Mustaqil gazeta

O`zingni angla!

HURRIYAT

№ 2 (564)
2008-yil
9-yanvar

Газетамизга 2008 йил учун обуна давом этади.
Муштарийларимиз сафида бўлинг!
Нашр кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ➲ Chorshanba kunlari chiqadi ➲ E-mail: hurriyat@mail.ru ➲ http://www.hurriyat.uz

Прокурор протести бажарилмаяпти. Нега?

Танлов ҳайъатининг "адолатпарвар" аъзолари, не ажабки, талабгор С.Умаров аслида ўн ойлик бухгалтерия курсини тамомлаган бўлса-да, унинг мутахассислигига 8 балл, олий маълумотли М.Тоғаевга эса 7 балл қўядилар.



➪ 3-бет

Дилхирож туйғулар

Ижодкор ҳақида ижодкорнинг ўзи яхши ёзадими ёки танқидчи-олим ёзгани маъқулми деган савол кўп бошимни қотирган. «Дилхирож туйғулар»ни ўқигач яна бир карра амин бўлдимки, ижодкорнинг дардини, ички дунёсини барибир ижодкор яхшироқ, теранроқ англар экан.

➪ 7-бет

«Машҳур боксчи бўламан деб ўйламаганман»

— Бокс — мардлар майдони. Бунда довюрак, ақлли спортчилар ғалаба қозонади. Баъзан боксга қизиқиб, машаққатидан, меҳнатидан қочадиган спортчиларга майдонга чиқишга қурбинг етмаса бу йўлни танлаб нима қиласан? Танладингми, заҳматига чида-да., дейман.

➪ 8-бет

2008 йил — Ёшлар йили

Юртбошимиз 2008 йилни «Ёшлар йили» деб эълон қилдилар. Ушбу таклиф халқимиз, хусусан, ёшларимиз томонидан қизғин кутиб олинди. Бу бежиз эмас. Негаки, ҳар бир миллатнинг ёшлари унинг истиқболини белгиловчи катта ижтимоий заҳира, улкан куч-қудратдир. Бу заҳирадан оқилона фойдаланиш, бу улкан куч-қудратни фойдали ва керакли соҳаларга йўллаш мамлакатнинг иқтисодий ва маънавий ҳаётини мисли кўрилмаган юксакликларга олиб чиқиши мумкин.

Беқиёс ғамхўрлик

Айни пайтда, булардан бошқа мақсадларда фойдаланиш йўллари ҳам бўлган. Собиқ шўролар даврида улкан стихия саналган ёшларнинг кучини катта-катта қурилишларга,қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга, гигант завод-фабрикалар барпо этишга, улкан темир йўл магистралларини юзага келтиришга йўлланарди. Таассуфки, ноқулай шароитларга тушган қанча ёшлар нобуд бўлган, жабр кўрган ҳоллар ҳам оз эмасди. Ҳолбуки, ҳар битта йигит ёки қиз миллатнинг бебаҳо бойлиги, тенгсиз заҳираси ҳисобланиши керак ва у кўз қорачиғидай асраб-авайланиши лозим эди.

Ҳозирги замонда ёшларнинг куч-қудратидан оқилона фойдаланиш деганда, нималарни назарда тутиш мумкин? Энг аввало, ёшларнинг қобилиятлари, истеъдодлари ва имкониятларини ҳисобга олишга кўмаклашиш лозим. Илм-фан йўлини танлаганларга керакли имкониятлар яратиб бериш уларнинг истеъдоди камол топишига олиб келади. Шундагина миллат ёшларидан оламга таниқли олимлар, муҳандислар, ихтирочилар чиқади. Бундай истеъдод соҳибларининг билими ва салоҳиятидан фойдаланиш мумкин бўлган майдон ҳам зарур. Мўъжизакор билим, камёб истеъдод соҳиби етиштирилса-ю, унинг шу салоҳиятидан фойдаланадиган соҳа мавжуд бўлмаса, ундан нима фойда? Демак, мамлакатимизнинг халқ хўжалигига зарур мутахассисларни тайёрлаш соҳасини кучайтириш муҳимдир. Оқилона деганда, мана шу жиҳатларини ҳам ҳисобга олиш назарда тутилади. Мамлакатимизда ёшларга ўз истеъдоди, салоҳиятини намоён этиш учун шарт-шароитлар яратилган ва яратилмоқда. Гап бу шароитларда ўз ўрнида ва чинакам фойдаланишда.

Салоҳияти, қобилияти илм-фанда эмас, бошқа жаҳатларда инкишоф қилиши мумкин йигит-қизлар ўзларини кўрсата оладиган соҳаларга йўллангани дуруст. Ўқитувчилик фаолиятимда бир ҳодисага кўпроқ дуч келаман. Журналистикага мутлақо қобилияти, ҳатто хоҳиши ҳам бўлмаган айрим ёшлар ота-оналарининг истагига кўра халқаро журналистика факультетига киришади. Кейин нима бўлади? Улар шу номи улуғ факультетни битирди ҳам дейлик. Лекин бундайлар журналистикада ишлай олишолмагани учун бу соҳадан фарсахларча йироқ касбларга уриб кетишади.Қанча ҳаракат ҳайф, азиз умр ҳайф, ҳаминқадар маблағ ҳайф!

Энди бутун дунёда долзарб бўлган масалага келайлик. Бу ёшларни ўз касбларига муносиб иш билан таъминлаш масаласи. Эндигина балоғатга етган, билагининг кучи, қобилияти ва салоҳиятини қаёққа қўйишни билмаётган ёш ўзига муносиб иш тополмаса, ўйланг, қандай ҳолга тушади? Ёшлик майлларига берилиб турли кўчаларга кириб кетиши мумкин. Ёки қандайдир ёвуз ниятли кимса унга қузғундай чанг солиб, келажагини барбод қилади. Ёхуд у ўзини жамиятга кераксиз дай ҳис этиб, тушкунликка тушади ва... Охири нима бўлишини ўзингиз билиб турибсиз. Хуллас, ёшларни тўғри йўлга солиш, уларга тўғри маслаҳатлар ва зарур кўмак бериш катталарнинг, муайян ҳаётий тажрибага эга бўлган шахсларнинг фуқаролик бурчидир. Ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишлари учун зарур билим ва кўникмаларни ҳосил қилишларини таъминлаш давлатнинг муқаддас вазифасидир. Бизнинг мамлакатимизда ёшларни иш билан таъминлашнинг дастури мавжуд ва у ўзининг ижобий самараларини кўрсатмоқда.

Оммавий ахборот воситаларидан қайсидир вилоятда, қайсидир туманда кимдир янги корхона ташкил этиб, шунча иш ўрни юзага келтирди, шунчасига ёшлар жойлашди деган хабарларни эшитганимда эса ўша азаматлардан хурсанд бўламан. Чин кўнглимдан «Отангга раҳмат, балли шоввоз!» дейман. Ахир кимдир ишли бўлибди, ўша инсоннинг хонадонига шодлик, хурсандчилик юзага келибди. Қанча инсоннинг дили ёришибди. Халқимизда шундай нақл бор: «Қўлингдан келса, яхшилик қил, қўлингдан келмаса, кўнглингда яхшилик қилиш туйғуси бўлсин!» Топиб айтилган. Инсоннинг чин инсонлиги кимларгадир ёрдам, кўмак беришида билинади. Ҳақиқий савоб мана шунда бўлса керак.

Ёшларга ғамхўрлик кўрсатишнинг чекичегараси йўқ. Уларни бир-бир санаб ўтириш имкондан хориж нарса. Лекин бир нарсани ҳам алоҳида таъкидлагим келади. «Ёшлар йили»да халқимизнинг ўз ёшларидан муносиб ишлар, улуғвор ютуқлар, хайрли натижалар кутишга ҳам ҳаққи бор. Афсуски, айрим ёшларда ишлашга лаёқат, хоҳиш йўқ, уларга тайёри бўлса бас. Бундай боқимандалик ҳолати чинакам ёшга ярашмайди. Ҳаракатда баракат, дейишади. Яхшиямки, бундайлар нисбатан жуда камчиликни ташкил қилишади. Аксари ёшларимиз улуғвор мақсадлар билан яшашмоқда. Улар фақат шахсий манфаатларинигина кўзлашмайди, балки жонажон Ватанимизнинг, халқимизнинг равнақи, истиқболи йўлида бор кучларни аяшмаяпти. Қайсидир йигит ёки қиз халқаро спорт мусобақаларида улкан ютуқларни қўлга киритиб, шаънига Мадҳиямиз янграганда қалбимиз ифтихор туйғусига тўлади. Ўзбекистонимизнинг номини, ўзбекнинг номини улуғлаган ёш дўстимни қутлаб, унга офаринлар айтгим, раҳматлар ёғдиргим келади. «Ёшлар йили»да бу каби ҳоллар, қанийди, кўпроқ бўлса. Академик шоиримиз Ғафур Ғулом бежиз «Йигитлар миллатнинг ғурури, кўрки» деб улуғламаган. Мана шундай улуғлашга муносиб бўлиш ҳар бир ўзбек йигити ва қизининг эзгу мақсади бўлиши керак, деб ўйлайман. Ҳамиша ёшларимиздан ҳайратомуз мўъжизалар кутишга ҳақлимиз.

Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

Озод юртнинг посбонлари

Ватан ҳимоячилари куни олдидан

Атрофга синчков назар билан боқсак, бедор дунёнинг доимо безовталигини англаймиз. Қаерлардадир уруш олови сўнмаган, қаерлардадир турли можаролар тинчликка, хавфсизликка таҳдид солмоқда. Кичкинагина бир бунёдкорлик тугул, вайронагарчиликдан боши чиқмаётган халқлар, миллатлар борлигини кўрамиз. Шунда юрак-юрагимиздан тинчлигимиз, осойишта ҳаётимизга нисбатан шукроналик ҳисси кечади.

Президентимиз «Мустақиллик — бу, аввало, ҳуқуқдир», дегандилар. Бунинг замирида улкан мазмун-маъно мужассамлигини яхши биламиз. Бу халқимизнинг ўз кучи, билими ва салоҳиятига таяниб, ўзининг тараққиёт йўлини белгилаб олиш ҳуқуқи дегани. Истиқлол йўлида шаҳид кетган, бу дориломон кунларни орзу-армон қилиб ўтган аждодларнинг асрий орзу-ниятларини, истакларини рўёбга чиқариш ҳуқуқи дегани. Ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмаслик, ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаслик ҳуқуқи деганидир бу. Шукрки, истиқлол сабаб эришилган бундайин ҳуқуқларимизни ҳимоя қилишга қодирмиз. Яъни уларни ҳимоя қилишга қодир миллий армиямиз бор.

Шу ўринда яна Президентимизнинг бир гапини келтириб ўтиш жоиз: «Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар». Бу фикрлар замиридаги маънони теранроқ таҳлил қиларканмиз, истиқлолнинг дастлабки куниданоқ белгилаб олган орзу, ниятларимизни, танлаган йўлимизни, Ватанимизни ҳимоялашимиз лозимлигига амин бўламиз.

Бугун миллий армиямизда ҳамда Қуролли Кучларимизда ўтказилиб келинаётган ислоҳотларга назар ташлар эканмиз, бу жараён халқимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқони ҳисобланмиш армиямиз ҳар жиҳатдан қудратли, қурол-яроғ ва ҳарбий маҳоратда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги лозим, деган ғоядан озиқланаётганини ҳис қиламиз. Бир эсга олинг. Истиқлол арафасида, аниқроғи 1990 йилда маҳаллий офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг бор-йўғи 0,6 фоизинигина ташкил этарди. Бу эса кадрлар масаласининг ўта долзарб бўлганини кўрсатади.

Юртбошимиз раҳбарлигида ҳарбий таълим тизимида олиб борилган изчил ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Ҳарбий билим юртларимиз, улардаги факультет ва кафедралар сони ортди. Фахримиз, ифтихоримизга айланган Қуролли Кучлар академияси ҳақида ҳам узундан-узоқ тўхталишимиз мумкин.

Албатта, бу ўринда гап ҳарбий таълим сифатида. Унинг замон талабларига қай даражада жавоб беришида. Яхшиси бу борада бир мисол келтирайлик. Пўлатжон Сотиболдиев деган ҳарбийни биламан. Дастлаб мамлакатимиз ҳарбий билим юртида соҳа илмини эгаллади. Сўнгра Буюк Британиянинг Қироллик академиясида таҳсил олиб, юксак ақлий салоҳияти, билими, иқтидори билан тенгловчилар орасида мукофотга сазовор бўлди. Мамлакатимиз олий ҳарбий билим юртида замон талабларига, андозаларига мос таълим олгандирки, шундайин натижага эришган. Биргина ана шу мисолнинг ўзи ҳам ҳарбий таълим тизими замон талаблари асосида ривожланаётганини, бу борада ҳам ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлимиз борлигини кўрсатади. Ислоҳотлар меваси бўлган сержантлар тайёрлаш мактабларини битиришган профессионалларимиз бугун том маънода армиямиз суянчи ва таянчига айланаётганини кўриб, билиб турибмиз. Энди биз сержант деганда аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчиси, ҳарбийликни касб деб, тақдир деб биладиган ўғлонларни тушунамиз

...Жанговар вазифа чўл шароитида амалга оширилмоқда. Бунда гуруҳдаги ҳар бир мутахассиснинг ишончли ҳаракатланиши, душман пистирмаларига учраб қолмаслиги учун аниқ чора-тадбирларни қўллаши лозим. Гуруҳ командирининг ўринбосари кичик сержант Жасур Қобилов ишонч билан масъулиятни ўз зиммасига олди. Ахир бу профессионал командир бўлмаган ҳолатларда етакчиликни, гуруҳ бошқарувини ўз зиммасига олиб, жанговар вазифаларни бажариб келган. Қолаверса, сержантлар тайёрлаш мактабида ҳам бу борада таҳсил олган. Кичик командир ўз тажрибасидан келиб чиқиб, ҳар бир мутахассиснинг жанговар тартибдаги секторини, аниқроғи ўрнини белгилаб берди. Ким қайси позицияда туради, қандай никобланади, бари-бари ҳақида кўрсатмалар берди. Вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда кузатув пости ташкил этишни буюрди. Кузатув постида дастлаб снайпер — шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Моҳиддин Камолов ўз маррасини эгаллади. Сержантлар тайёрлаш мактабини тугаллаган бу профессионал мерганлик илмининг усталаридан.

Моҳирлик, маҳорат ўз сўзини айтди. Мерган жанговар вазифани аъло даражада уддалади. Чегарачи оддий аскар Санжар Мирзаев Президентимиз Фармонига биноан «Жасорат» медали билан тақдирланди. Сарҳадларимизга суқилиб кирмоқчи бўлган ғаламизнинг йўлига тўғаноқ бўлган, бу марду майдон ярадор бўлса-да, ҳолдан тойса-да, ўз бурчини охиригача бажарди. Ёки «Шуҳрат» медали билан тақдирланган оддий аскар Маъруфжон Ҳайдаровнинг жасоратини олайлик. Тартиббузар унинг Низом бўйича огоҳлантиришларига парво қилмагани учун, посбон армияда ўрганган қўл жанги ёрдамида уни қўлга олади. Уларни баралла бугуннинг қаҳрамонлари десак арзийди. Ислоҳотлар жараёнидаги бундайин ўзгаришу, янгиланишларни санаб адо этиш қийин. Уларни хулосалаб туриб, шундай фикрга келиш мумкинки,бугун Ўзбекистон ҳарбийлари деганда кўз олдимизга нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сирасрорларини пухта эгаллаган, юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, халқига чексиз садоқати билан ажралиб турадиган марду майдонлар келади.

Алижон САФАРОВ,
майор.

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётларида тарқатилади.

Сезиларли натижалар

Саломатлик

Бугунги кунда инсон организмида йод етишмаслиги ҳамда камқонлик дунё миқёсида глобал муаммога айланиб бормоқда. Боиси улар келтириб чиқарадиган аянчли асоратлар салбий оқибатлар олдини олиш мақсадида халқаро миқёсда иш олиб борилмоқда. Жаҳон банки маълумотларига қараганда у етказган зарар ҳар бир мамлакат миллий даромадининг 3-5 фоизини ташкил этади. Профилактика ишларига эса даромаднинг 0,3 фоизи миқдорида маблағ сарфланса камқонлик муаммосини бартараф этиш мумкин экан.

Йод етишмаслиги касалликлари ҳамда темир моддаси танқислиги анемияси хасталикларини даволаш борасида салмоқли натижаларга эришилмоқда. Бу борада "Хавф гуруҳлар орасида темир препарати ва фолий кислотаси ҳафталик саплементацияси Дастури", "Ўнни бойитиш бўйича Миллий дастур" тузилди ҳамда ўтган йилнинг 3 майида "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги Қонун кучга киритилди.

Мазкур дастурлар ҳамда Қонуннинг мазмун-моҳияти, ижтимоий ҳаётдаги роли борасида Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти қошидаги Камқонлик маркази раҳбари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг болалар бош гематологи Дилором Сулаймонова қуйидагиларни айтди:

– Организмда йод етишмаслиги муаммоси ҳамда темир танқислиги оқибатида келиб чиққан камқонлик бугун ёки кеча пайдо бўлган касаллик эмас. Микроэлементлар боланинг тўлақонли ривожланиши ва катта ёшдаги одамларнинг соғлом фаолият олиб бориши учун ҳаётий зарур моддалар ҳисобланади. Темир, йод, фолий кислотаси, кальций ва шу сингари бошқа микроэлементлар А, В1, В2, В12 ҳамда С витаминлар билан бир қаторда бизнинг организм учун жуда муҳимдир.

Давоми 2-бетда.

Ният холис — мурод ҳосил

Замондош

Бундан тўрт-беш йил муқаддам деновлик Тўхта ҳожи Аллонов билан боғлиқ бир неча суд материаллари газетамизда чоп этилганди. Кўпчиликнинг ёдида бўлса керак, отахон оддий ҳақиқатни тиклаш учун ўн йилдан ортиқ вақтини суд, адвокатура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ўтказди. Ўша елиб-югуришлар эвазига ҳақиқат ҳимояси йўлида отахон нималаргадир эришган, нималарнидир ундирган бўлишлари мумкин. Бироқ буларнинг барчи эслатиб ўтганимдек, адолатсизлик илдизига болта уриш, кимларнингдир нафс ўпқонига кетган ҳаппа-ҳалол мол-мулкни ундириш илинжида бўлгани боис ҳам қисман қайтарилган ана шу мол-мулк Тўхта ота учун унчалик аҳамияти йўқ эди, уларнинг бир қисми эгаларига (ҳожи отага омонат сифатида берган кишиларга), бир қисми эса етимесирларга тарқатиб берилди...

Давоми 2-бетда.

«Атиргул» танловига марҳамат!



Азиз ижодкор дугоналар!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва «Журналист аёллар клуби» ижодкор хотин-қизларнинг касбий маҳоратини ошириш ва интеллектуал савиясини юксалтириш мақсадида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб республика журналист хотин-қизлар ўртасида анъанавий «Атиргул – 2007» кўрик-танловини эълон қилади.

Танловга 2007 йилнинг 15 февралидан 2008 йилнинг 15 февралигача даврий матбуот саҳифаларида эълон қилинган, телевидение ва радио орқали узатилган материаллар 2008 йилнинг 1 мартигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида аниқланиб, уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилади.

Танловга тақдим этиладиган материалларга муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти, телефони, манзили ва паспорт маълумотлари илова қилиниши керак.

Материаллар «Атиргул – 2007» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилади:

100129, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй. 3-қават 30- ва 37-хоналар.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси.
Тел: 144-64-62; 144-37-87. Факс: 144-69-65
E-mail: ijod@sarkor.uz. www.journalist.uz

2008-yil 9-yanvar | Mustaqil gazeta | O'zingni angla! HURRIYAT

Эъзозли туйғуларим

Фахр

Инсон ҳаёти вақтнинг измида. Баъзан умримизнинг бир неча ойларини, ҳатто йилларини сарҳисоб қилиб маъно-мазмун топа олмаймиз. Гоҳида эса лаҳзалик учрашувлар ҳам ҳаётимиз ва хотирамизда чуқур из қолдиради.

Юртбошимиз Ислом Каримов билан турли йилларда кечган учрашувларим менинг ҳаётимдаги ана шундай унутилмас воқеалардир. У кишининг мазмунли суҳбатлари ва узоқни кўра билган кўрсатмалари иш фаолиятимда муҳим дастуриламал бўлди.

Юртимиз олимлари шўролар даврида «Марказ»нинг ўлчовисиз бирорта янги мавзу ёки техникавий яратувчанлик ишларига қўл ура олмасди. Академиямиз институтлари ҳар йили бундай ишларга рухсат олиш учун собиқ иттифоқ Фанлар академияси ҳамда Фан ва техника комитетига ялиниб-ёлворарди. Уларнинг ғалвиридан ўтилганда ҳам кўпи билан бир-иккита мавзуга маблағ ажратилар эди.

Мен ҳам ўша пайтлар ёш физик олим эдим. Атом заррачалари ва унинг жисмга таъсири устида тадқиқотлар олиб борардим. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Электроника институти илмий котиби сифатида фаолият юритардим.

1970 йили "Жисмларга позитрон заррачасининг таъсири", "Пахта линтини ажратиш ва тозалаш усуллари" ҳамда "Пахтани индукцион қуритиш усули" каби мавзуларда ҳужжатлар тайёрлаб, ўша пайтдаги давлат план қўмитасига олиб бордим. Садовский исмли йўриқчи ходим уларни кўриб чиқиб, мукаммал бўлиши учун бўлим бошлиғига кўрсатиш лозимлигини айтди.

Бўлим бошлиғининг ҳузурига кирдим. Юзларидан нур ёғилиб турган, қадамидан ўт чақнаб турган ғайратли инсон мени кутиб олди. Янги мавзуларимиз тўғрисида батафсил сўради. Мен тушунтирдим. У киши бу тажрибаларнинг халқ хўжалигига жорий этилиши ниҳоятда фойдали эканлигини дарров илғади. Ходимларини чақириб, илмий ишларни ҳужжатлаштириб бериш кераклигини тайинлади. Энг эътиборлиси, шу заҳотиёқ мамлакат маркази билан боғланиб, мавзулар аҳамияти ҳақида узоқ тортишди. У кишининг асосли тушунтиришларидан сўнг уларнинг ҳам тан бермай иложлари қолмади. Илк борги ушбу учрашувимиз ҳеч қачон хаёлимдан кетмайди. Ислом Каримовнинг юрт равнақи учун куюнчакликларини кўриб, ўшандаёқ дилдан тан берган эдим.

1990 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутатлигига сайландим. Олий Кенгашнинг ҳар сессиясида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг теран, аниқ ва юрт келажагини кўзлаб, ҳар бир масалага бераётган тушунтиришлари, таҳлил ила киритаётган таклифлари нақадар долзарб эканлигига амин бўлганман. Чунончи, 1991 йил 31 август Олий Кенгашнинг сессиясида Ўзбекистон тарихидаги буюк воқеа — Республика Мустақиллигини жуда катта ғурур ва ифтихор билан эълон қилганларида ўнлаб дақиқалар давом этган олқишлар ҳамон қулоғим остида жаранглайди.

1991 йил шундай йиғилишларнинг бирида танаффус эълон қилиниши биланоқ, Президентимизнинг ёнларига бордим. Ректор сифатида Термиз давлат педагогика институтини Термиз давлат университетига айлантириш тўғрисидаги таклиф ёзилган мактубни қўлларига бердим. У киши мени ўтиришга таклиф қилиб, ҳужжат билан танишиб чиқдилар.

— Мен ҳам шу ҳақда анчадан буён ўйлаб юрибман. Бу фикрингизни маъқуллайман, — дедилар. Шунингдек, Сурхондарёда халқимизнинг яшаш турмуш тарзи, вилоятдаги ишлар тўғрисида сўрадилар. Мен батафсил жавоб бердим. Мамнун бўлганларини гапларимни жилмайиб эшитганларидан билдим.

Уч ойдан сўнг мамлакатимиздаги бир неча педагогика институтлари негизида университетлар, жумладан, Термиз давлат университетининг ташкил этилиши тўғрисидаги Президентимиз Фармони эълон қилинди.

Шундай мазмунли учрашувларимиздан яна бири 1993 йил рўй берди. Ўшанда Президент Девони ва Вазирлар Маҳкамаси ходимлари иштирокида Республика Ҳукуматининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтаётганди. Унда биринчи бўлиб таълим тизимида тест синовларининг икки йиллик якуни ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Асосий маърузадан кейин Ислом Абдуғаниевич ректорлардан фикрларини сўрадилар. Мен жумладан, таълим тизимида тест синовининг ўтказилиши адолатли эканлиги, ёшларимизга ҳам маъқуллигини айтдим. Юртбошимиз биз педагогларнинг таклифлари билан ҳам қизикдилар. Камина "Саволлар вариантларини кўпайтиришни тавсия қиламан. Чунки бир аудиторияда бир хил вариантлар бўлиши тест синовидан кутиладиган адолатни бузади. Қолаверса, тест варағининг орқа томонида абитуриентларнинг фамилиясини ёзиш ҳам шарт эмас. Бунинг ўрнига кодланган рақамлар ёзилса, имтиҳоннинг ҳолислиги янада ошарди", дедим. Ушбу таклифларим маъқул бўлди шекилли, ҳукумат қарорлари баённомасига киритилди.

Ўша йиғилишда Президентимиз "Икки йиллик тест синовлари натижаларига кўра, аҳолимизнинг қайси табақаси фарзандлари кўпроқ баллар тўплаб, синовдан муваффақиятли ўтмоқда", деб сўрадилар. Мен эса зиёлилар фарзандларининг ўқишга кириш миқдори анча юқори эканлигини айтдим. Энг муҳими, давлатимиз раҳбарининг халқимиз ҳаётига, айниқса, ёш авлод камолотига юксак эътибори барчамизни ҳамиша хурсанд қилади.

Ҳозир мамлакат Фанлар академияси тизимида хизмат қилар эканмиз, фан ва таълим интеграцияси самарали йўлга қўйилганлиги, академик Ислом Абдуғаневич ҳар доим фан-техника тараққиёти учун жон куйдираётганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Юртбошимиз 2003 йилда Фанлар академиясининг 60 йиллиги муносабати билан йўллаган табриклари ҳамда шу йил Истиқлол байрами арафасида бўлиб ўтган Ўзбекистоннинг мустақил 16 йиллик тараққиёт йўли тўғрисидаги маърузаларида ҳам академиянинг илмий-тадқиқот институтлари, айниқса, табиий-техникавий ва физика фанлари ривожига юксак баҳо бердилар.

Президентимизнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш билан бирга давлатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги фаолиятлари давомида мен каби минглаб инсонлар ҳаётида ўчмас из қолдиргани шубҳасиз. Зеро, юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг изчил давом эттирилиши, халқимиз турмуш фаровонлигининг юксалиши у кишининг беқиёс хизматлари туфайлидир.

Назар ТЎРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Илмий-ўқув маркази директори, академик.

Сезиларли натижалар

Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Ушбуларнинг етишмаслиги "Яширин очлик" деб аталади. Хусусан, инсон етарли миқдорда овқат истеъмол қилса-да, таом таркибида микроэлементлар ва витаминларнинг етарли даражада бўлмаслиги боис организм энг зарур бўлган озуқавий моддаларни тўлалигича ололмайди. Оқибатда темир танқислиги анемияси, ҳам йод танқислиги ҳолати (буқоқ), ҳам А витамини етишмаслиги юзага келади. Мазкур касалликлар миллат генофондига умумий таъсир кўрсатишидан ташқари, ижтимоий-иқтисодий оқибатларга ҳам эга бўлиб, у кишиларнинг меҳнат қобилияти, ишчанлиги, мамлакатнинг иқтисодий ўсишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Камқонлик асосан туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, ўсмир ҳамда ёш болаларда кўплаб учрайди. Негаки, улар организмида темирга бўлган эҳтиёж эркакларга нисбатан 3-5 баробар юқори ҳисобланади. Шу боис улар билан доимо камқонликнинг олдини олишга қаратилган чоратадбирларни олиб бориш зарур.

Сўнгги йилларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ҳукуматимиз томонидан оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза этиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шулар орасида оналар ва болаларда кенг тарқалган темир етишмаслиги камқонлигини бартараф этишга қаратилган «Хавф гуруҳлар орасида темир препарати ва фолий кислотасининг ҳафталик саплементацияси Дастури» ва «Унни бойитиш бўйича Миллий дастур»лар ишлаб чиқилиб, амалда жорий этилмоқда. Мазкур дастур жаҳон тажрибалари ва Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти кўрсатмаларига асосланган бўлиб, айни кунда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда, шу жумладан Марказий Осиё мамлакатларида ҳам қўлланилмоқда. Дастурларни амалга ошириш ишда БМТнинг Болалар ташкилоти (ЮНИСЕФ), JICA, Осиё Тараққиёт банки, Жаҳон банки ҳамда GAIN халқаро ташкилотлари бевосита кўмаклашаётир.

Саплементация дастури одатда профилактика мақсадида қўлланилади. Инсон организмига етишмаган витамин ва микроэлементларни саплементация (қўшимча озуқа) усулида бериш мумкин. Хусусан, ҳозирда республикада болалар ва аёлларга А витамини саплементацияси ўтказилади. Улар йилига 2 маротаба ўзларининг яшаш жойларидаги тиббиёт муассасалари орқали А витаминини бепул истеъмол этишади. Барча туғиш ёшидаги аёллар, ҳомиладорлар, ўсмир қизлар, 6-24 ойлик болаларнинг 2 йил мобайнида ҳафтада бир маротаба темир препарати истеъмол этишлари таъминланади. Шу кунга қадар Дастур бўйича вилоятларда истиқомат қилувчи 4.3 миллионга яқин аёл ва болалар бепул саплементация олишга муяссар бўлдилар.

Саплементация дастури натижалари 2-3 йилдаёқ ижобий самара бериши кузатилгани боис у халқаро тажрибаларда «Тезкор Дастур» деб номланган. Мамлакатимизда ҳам таҳлиллар шуни кўрсатадики, икки йил мобайнида доимий равишда ҳафтада бир маротаба темир препарати ва фолий кислотасини истеъмол этган аёл ва болалар орасида камқонлик 2-3 баравар камайди.

«Унни бойитиш бўйича Миллий дастур» натижаси эса узоқ вақтдан кейин сезилади. Унинг натижасига кўра, камқонлик йилда 20 фоизга камайиши кузатилмоқда.

Мутахассисларнинг эътирофича, ҳар бир инсон ўз саломатлигига эътибор билан муносабатда бўлиб, вақтида овқатланиш, дам олиш тартибига риоя этсалар тани сиҳатлик, меҳнатда унумдорлик бўлади.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА,
«Ҳуррият» мухбири.

Қисқа сатрларда

Бугуннинг нафаси

• Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида аниқ ва табиий фанларни ўқитиш масалаларига бағишланган республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

Мустақиллик йилларида юртимизда таълим соҳасидаги ислоҳотлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Ўқувчилар учун мукаммал дарсликлар тайёрлаш масаласига ҳам катта аҳамият берилаётир. Табиийки, бу борада самарали ишлар амалга оширилди. Лекин баъзи камчиликлар ҳам учраб турибди. Семинарда ана шу жиҳатларга-да эътибор қаратилди.

• Зомин тумани Ғулба ва Шўрчи қишлоқлари яқинидаги тепаликлардан археологик қазишмалар чоғида халқимизнинг қадимий маданиятига оид буюмлар топилди. Жумладан, жасад билан бирга кўмилган уй-рўзғор буюмлари, жанг қуроллари чиқди. ЎзФА Археология институти катта илмий ходими Мухтор Пардаевнинг айтишича, ёдгорлик III-IV асрларга тегишли бўлиб, улар халқимизнинг қадимги турмуш тарзини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

• Булунғур тумани Соҳибкор маҳалласида жойлашган маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг янги биносида дарслар бошланди. Замонавий таълим маскани керакли техник жиҳозлар ва ўқув қуроллари билан таъминланди. Энг сўнгги русумдаги компьютерлар ўрнатилди. «Бу юртимизда ёшларга берилаётган катта эътиборнинг бир ифодасидир», дейди коллеж директори Анорбой Усмонов.

• Сирдарё вилоятида «Ёш мухбирлар мактаби»нинг йил режаларига бағишланган семинари бўлиб ўтди. Кейинги йилларда журналистика соҳасига қизиқувчи ёшларга алоҳида эътибор берилаётгани самарасиз кетмаяпти. Семинарда вилоятда яшаб ижод қилаётган таниқли ижодкорлар ёш қаламкашларга ўз тажрибалари хусусида сўзлаб берди. Ўқув ва амалий машғулотларни жонлантириш учун қилиниши лозим бўлган ишлар хақида таклифлар билдирилди.

• 2008 йил Бухоро вилоятида 11 та касб-ҳунар коллежи барпо этилади, деб ёзади region.uz сайти. Мазкур таълим муассасаларини қуриш учун элликка яқин даъвогар қурилиш ташкилотининг молиявий салоҳияти, техник имконияти, тажрибаси қатъий мезонлар асосида баҳоланди. Шу йилнинг сентябрь ойида Жондор тумани Чоргули қишлоғида 440 ўринли касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилиши мўлжалланган. «Бухороуйқурилиш» ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари ҳозирдан ишга киришдилар.

• Жиззах пластмасса заводида 2007 йил 1818 тоннадан зиёд полиэтилен пленка, 1684 тоннадан кўпроқ турли диаметрдаги полиэтилен қувурлар ишлаб чиқарилди. Корхонада халқ истеъмоли буюмларини тайёрлаш ҳажми ортиб бормоқда. Ўтган йили 20 турда мана шундай буюмлар тайёрланган. Корхонанинг замонавий технологиялар билан таъминланиши маҳсулот турларининг янада ортишига олиб келмоқда.

• Яқинда Қува туманида янги китоб савдо маркази очилган эди. Энди эса бундай дўкон олтиариқлик китобсеварларга хизмат қила бошлади. Савдо марказида беш мингдан ошиқ турли-туман китоблар пештахтага қўйилган. Вилоят ҳокими ўринбосари Азимжон Раҳимов, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси раҳбарияти, Ўзбекистон халқ шоирлари Охунжон Ҳакимов ва Анвар Обиджон иштирок этган очилиш маросими китобсеварлик байрамига айланиб кетди. Мана шундай савдо маркази Учқўприк туманида ҳам очилиши режалаштирилмоқда.



• «Бухоро гилами» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонасида тайёрланадиган маҳсулотлар сони 60 га етди. Корхонада 300 дан ошиқ киши иш билан таъминланган. Улар ўтган йил давомида 400 минг квадрат метр гилам тўқишди. Айниқса, замонавий ускуналарнинг ўрнатилиши иш унумини оширди. Жорий йил эса корхона 800 млн. сўмлик гилам маҳсулотлари етказиб бериш бўйича шартнома тузган. Бу ерда тайёрланадиган ипак ва жун гиламларга тобора қизиқиш ортиб бормоқда.

• Жиззах вилоятида сузиш иншоотлари кўпайиб бормоқда. Яқинда улардан бири Пахтакор туманида қайта таъмирдан чиқариб, фойдаланишга топширилди. Болалар ва ўсмирлар сузиш мактабида яратилган бу қулайликдан икки юзга яқин ўқувчи фойдаланмоқда. Шунингдек, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 4,5 млн. сўмлик жиҳозлар берилди.

• Нарпай туманида «Ёш фермерлар мактаби» иш бошлади. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши қошида очилган марказда компьютер саводхонлиги, тикиш-бичиш, ҳуқуқий тарғибот каби йўналишларда сабоқ берилади. Тумандаги 4 та коллеж ва 68 та мактаб ўқувчилари марказнинг асосий тингловчиларидир. Уларга таниқли қишлоқ хўжалик ходимлари, миришкор деҳқонлар ўз тажрибаларини ўргатмоқда.

Нодирбек ЁҚУБОВ тайёрлади.

Ният холис — мурод ҳосил

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Гарчанд адолат бор бўйича қарор топмаган бўлса-да, Тўхта ота ўтган умрини сарҳисоб қилиб ва қолган умрини чамалаб шундай хулосага келди: бу ёғига энди бир кун бўлса-да, савоб ишлардан узилмаслик керак. Зеро, айтилмишки, бир савоб қирқ марта тоат-ибодатдан устун турур.

Аслида Тўхта ота Аллоновнинг шу дамгача ўтган умри хайр-саховатга йўғрилиб келган. Мусулмон бандасига хос ана шундай инсонийлик хислатларини фарзандларига ҳам "юқтирган"лар. Шунданми, ота қадрдаги савоб ишларга қўл урса ўғиллар шу жойда падари бузрукворларига камарбаста бўлиб туришади.

Тўхта ота қилган, қилаётган хайр-саховатларини овоза қилишни хушламайдиганлардан. "Яхшилик қил – дарёга ташла, балиқ билмаса Холиқ билар" қабилида иш тутади. Шу боис отанинг умри давомида қўл урган ибратли ишларини бирма-бир санаб ўтирмай, ўша яхшиликларнинг сарҳисоби дейиш мумкин.

Айтишларича, Сурхон воҳасида яшовчи хўжалар авлодидан чиққан етти нафар улуғ авлиёлардан беш нафарининг хоки Бойсун тумани ҳудудида бўлиб, эндиликда ушбу жойларнинг бари муқаддас қадамжо сифатида эъзозлаб келинади.

Ўзининг шифобахш суви билан бутун мамлакатга донғи кетган Омонхона қишлоғида, муқаддас чашма этагида эса пирларнинг энг улуғи – Хўжа Султон Валий мангу макон топган. Ҳатто кечаги ўтмиш бўлиб қолган мустабид шўро замонида ҳам бу муқаддас жойга келиб-кетувчи зиёратчилар турли таъқибларга қарамай бу ердан қадам узмаганлар. "Қизил мафкурачилар" зиёратгоҳга, қолаверса, шифобахш чашмадан даво излаб келувчиларга қаршилик қилиш мақсадида қишлоққа олиб борувчи йўлни кесиб ўтган сой устига бундайроқ кўприк қуришга ҳам изн бермаган эканлар. Юртимизда мустақиллик шабадаси эсиб, муқаддас зиёратгоҳларимиз, азиз-авлиёлар макон топган жойлар эъзозлана бошлагач, Тўхта ота биринчилардан бўлиб, шўро атеистлари таъқибига учраган Омонхонага олиб борадиган йўлни боғловчи замонавий кўприк қуришга бел боғлади. У фарзандлари билан маслаҳатлашгач, туман раҳбарлари ҳамда қишлоқ аҳлининг розилиги билан иш бошлади. Натижада ота-ўғилларнинг бир неча ойлик саъй-ҳаракатлари туфайли юз йиллардан буён мавжуд бўлган омонат кўприк ўрнида замонавий иншоот қурилди. Қишлоққа олиб борувчи йўлнинг бир қисми таъмирланди. Ўшанда отахон Хўжа Султон Валий қабрлари ёнида бошланажак иш олдидан Қуръон тиловат қилар экан, яратган Эгам қазога сабр берса, ушбу зиёратгоҳ атрофида келажак авлод учун бир боғ бунёд этишни ният қилганди. Буни қарангки, орадан бирмунча фурсат ўтиб, туман ҳокимининг мавжуд азиз-авлиёлар қадамжоларини обод қилиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Омонхона шифобахш булоғига (ҳозирги сиҳатгоҳга) кириб боришда йўлнинг икки томони чақир тепалик ва жарликлардан иборат. Йўлнинг ўнг томонида – пастроқда қабристон, қабристоннинг тепароқ қисмида эса Хўжа Султон Валийнинг қабр жойлари. Унинг қибла томонида шу атрофда кўкариб турган ягона нишона – икки туп кексайган писта дарахти. Қабристон неча юз йиллардан буён қаровсиз ҳолда файзсиз бўлиб келган. Ҳожи ота туман ҳокими қабулида бўлар экан, ана шу қабристонни обод этиш, атрофида катта боғ барпо қилиш таклифини айтди. Ҳатто ичимлик суви муаммо бўлиб турган ушбу маконга сувни қандай келтириш мумкинлиги ҳақидаги фикрга ҳожи ота мийиғида кулиб: "Бу ёғидан ташвиш тортманг, баҳонада қишлоқ аҳлига ҳам ичимлик суви қувури ётқизилади", деди ишонч билан.

...Бутун куз-қиш мавсумида Тўхта бобо ва унинг фарзандлари боғ учун ажратилган майдонда тер тўкдилар. Нишаб тепаликлар узра терасса усулида эгатлар тортилди. Боғ атрофи ихоталанди. Тўрт чақирим масофага чувур ётқизилиб, олчабулоқ чашма суви тортиб келинди. Туман ҳокимлиги ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини билан биргаликда Хўжа Султон Валий қабрлари устига шарқона усулда мақбара ўрнатилиб, зиёратчилар учун махсус дам олиш хоналари қуриб битказилди. Ундан аввалроқ баҳорда эса бутун оила аъзолари билан биргаликда ҳашар уюштирилиб, 2000 туп турли мевали, 500 туп манзарали дарахт ҳамда 500 туп гул кўчатлари ўтказилди. Боққа кираверишда қўш табақа дарвоза ўрнатилди...

...Шу йил тирамоҳнинг дастлабки кунларида Омонхонага, Султон Валий қадамжолари зиёратига ўтдик. Ҳожи ота-ни ҳар галгидай мақбара яқинида учратдим. Зиёратга келган меҳмонлар билан Қуръон тиловат қилгач, отахон билан бирга боққа кирдик. Очиғини айтсам, ўзим ҳам кўчат ўтказиш, парвариш қилишга ишқибозлигим боис, Тўхта отанинг боғидаги икки йиллик ниҳолларнинг бу қадар тез бўй чўзганидан ҳайратландим. Бунақасини илгари учратмаганимни у кишидан яширмадим.

– Ўзим ҳам бунчалик бўлади, деб ўйламагандим. Қаранг, болам, кўчатлар биринчи ўтқазишнинг ўзидаёқ тўлиқ кўкариб кетди. Ҳатто манзарали дарахт кўчатларидан ҳам бирортаси хато бўлмади. Ваҳоланки, ўша йили туманнинг бошқа ҳудудларига экилган худди шу туп арча ниҳолларининг тўқсон фоизи қуриб қолган эмиш. Балки бу ҳам Яратганнинг карамотидир-да. Мана бу олма кўчатлари, ток иккинчи йилдаёқ нишона берганига нима дейсиз? Бу ерда ётган азиз-авлиёларнинг руҳи шод бўлаётганига ишорадир, эҳтимол.

Атрофга разм соламан. Пасту-баланд чақир тепаликлар. Атроф қуп-қуруқ санглик. Ҳатто яқиндаги хонадонларнинг аксариятида ҳам кўкариб турган дарахтлар бармоқ билан санарли. Пастдан ҳам, юқори томондан ҳам нигоҳ ташласанг, ушбу мўъжазгина майдон худди эртакдаги Боғи Эрамни эслатгудек. Қолаверса, камида қирқ беш даражада қиялик жойда ипга тизилган маржон мисол ниҳол қадаш ва бир текис кўкартириб олиш ҳар қандай миришкор боғбоннинг қўлидан келадиган иш эмасдек кўринади, кишига.

Саксонни қоралаган икки марта Маккаи Мукаррамани зиёрат қилиб қайтган отахоннинг саъй-ҳаракати, қатъияти туфайли барпо этилган боғни сайр қилар эканман, ушбу мўъжиза яратилгач, Тўхта отанинг хайрли ишларига тош отгувчилар ҳам топилиб қолганига ажабланган, тўғриғоғи орамизда шундай ғаразли кишилар борлигига ачинганларим хаёлимдан ўтади. Ажабо, бу дунёнинг ишини қаранг, деярли умрини яшаб ўтган отахон асрлар бўйи қақраб ётган жойга сув келтириб, муқаддас қадамжоларни обод қилсаю кимлардир ўз шахсий манфаати, адоватини ана шундай хайр-саховат, одамийликдан устун қўйса...

Орқаваротдан эшитганим, эмишки Тўхта ота Деновдан келиб қабристон ерини эгаллаб олибди. Эрта-индин қишлоқ аҳли майит учун жой топа олмай сарсон бўлмармиш. Шу жойларни улар ҳам обод қилишни мўлжаллаган эканлар-у, отахон уларнинг йўлига ғов бўлибди. Албатта, бу миш-мишлар бутун қишлоқ аҳлининг гапи эмас, балки икки-уч кишининг ғараз фикри, фитнаси эди, холос. Бу гап-сўзлар ҳатто республиканинг нуфузли идораларигача «шикоят» тарзида етиб бориб, ўша идораларнинг казо-казо вакиллари отахоннинг ишларини «тафтиш» қилишга келишди. Келиб кўришсаки... бу ерда амалга оширилаётган ишлар шикоятга эмас, барчаси таҳсинга сазовор бўлиб, айни давлатимиз раҳбари, ҳукуматимиз томонидан юртни обод қилиш, хайр-саховат қилувчиларга кенг йўл беришга қарата қилаётган даъватларига ҳамоҳанг экан.

Қани энди имкони бўлсаю, мактаб ва коллежлар ўқувчиларнинг мазкур боғга саёҳат уюштиришларининг иложи бўлса. Саксон ёшли отахондаги ғайрат-шижоат, ватанпарварлик, қолаверса, инсон кексайган чоғида ҳам фақат умид ва ишонч билан яшашдан чарчамаслик сингари хислатларни кўрган ёшлар кўпгина ҳаётий сабоқларни олишармиди.

– Шу ёшингизда юрагида ўти бор йигитларгина орзу қилиши мумкин бўлган ишни амалга ошириб, ниятингизга етдингиз. Лекин суҳбат асносидан ҳали янада улкан ниятлар билан яшаётганлигингизни фаҳмлаш мумкин, ҳожи ота, – дейман Тўхта отага юзланиб.

– Болам, инсон умрининг ҳар бир куни, ҳар бир сонияси унга Аллоҳ томонидан берилган улуғ неъмат. Ёшликда: «Ҳали ёшман, улгураман», деб вақтни беҳуда ўтказсак, кексайганда: «Энди ётиб дам олиш керак», дея лоқайд бўлсак, қисқагина умрни файзсиз, мазмунсиз яшаб қўямизку. Ахир, иккинчи марта қайта туғилмасак. Охирги нафасгача кўнгил Ҳақга, қўлимиз – ишда бўлгани Яратганга ҳам, инсоннинг ўзига ҳам хуш келади-да. Ниятга келсак, ҳали ниятлар улуғ. Мана бу йўлнинг нариги томонидаги тепаликни кўряпсизми? Худо хоҳласа, яқин йилларда шу жойда ҳам боғ барпо ниятим бор. Эшитишимча, ҳукуматимиз Омонхонада энг замонавий санаторий қурилишига рухсат берибди. Худо хоҳласа, янги санаторий қуриб битказилгунча янги боғ ҳам кўкариб қолар. Бу ерга шифо истаб келган юзлаб, минглаб ҳамюртларимиз шу боғларнинг мевасидан татиса, баҳам кўрса дейман. Меҳга, қолаверса, мендан кейинги фарзанд – набираларимга савоби тегиб турса бас.

... Омонхона зиёратидан қайтар эканман, орамизда Тўхта ота Аллоновдек саховатпеша инсонлар борлигига, шундай инсонлари бор мамлакатнинг эса бугуни ҳам, эртаси ҳам ойдин бўлишига яна бир бор шукроналик келтирдим.

Даврон ОРИПОВ,
«Ҳуррият» мухбири.

Долзарб мавзу

Ҳосилдорлик кафолати

нафақат меҳнатга, балки ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ҳам боғлиқ

Маълумки, 2007 йилда Республика Президентининг “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинган эди. Унда таъкидланишича суғориладиган ерларнинг ҳозирги мелиоратив ҳолати қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг даромадларини оширишга тўғаноқ бўлмоқда. Хўш, бу борада жойларда аҳвол қандай? Журналист Муҳаммаджон Обидов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор, сув хўжалиги фахрийси Ғуломжон ФОЗИЛОВ билан шу ҳақда Фарғона вилояти мисолида суҳбатлашди.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармонини, аввало, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни оширишга қаратилган энг муҳим, жуда зарур бўлган ҳужжат деб ҳисоблаш жоиз. Демак, у деҳқоннинг иқтисодий манфаатларини кўзлаш билан бирга дастурхонимизнинг янада тўкин-сочин бўлишини ҳам назарда тутади. Бундай долзарб ҳамда зарур чора-тадбирларни амалга оширишда устувор вазифалар нималардан иборат деб ўйлайсиз?

— Аввало шуни айтиш керакки, нафақат Фарғона вилояти, балки республикамизда деҳқончилик қилинаётган барча ерларнинг мелиоратив ҳолати тубдан реконструкция қилинишга аллақачон муҳтож эди. Мазкур Фармон шу маънода ҳам аҳамиятлидир. Энди Фарғона вилояти мисолига келсак, унинг ўзига хос бир қанча хусусиятлари бор.

Ижроси 2008-2012 йилларга режалаштирилган бу Фармоннинг бажарилиши учун чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишда ерларнинг мелиоратив ҳолатига салбий таъсир этувчи сабаблар таҳлилларига таянган ҳолда илмий ёндошишимиз зарур бўлади. Бу ишда албатта тажрибали фахрийларимиз, ҳозирги кунда мелиорация соҳасида хизмат қилаётган барча мутахассисларимиз, қурувчиларимиз ҳамда лойиҳачиларимиз фикр ва мулоҳазаларини, takлифларини инобатга олишни мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Бу борада олиб борилган ишлар, яъни каналлар, қурилган иншоотлар, насос станциялари, тик қудуқлар ҳозирги кунда таъмирга муҳтож аҳволга келиб қолди. Далаларимизда ҳам аҳвол кескин ўзгарди, тажрибали сувчилар камайиб кетди. Охир-оқибатда, айниқса, баҳор ойларида сув танқислиги сезила бошлади. Натижада зовурларга тўғон қуриб, суғоришда дренаж сувларидан фойдаланилмоқда. Мелиорация ишларига эътибор камайди, сув қабул қилувчи зовурларнинг вақтида тозаланмаслиги оқибатида, ёпиқ зовурларимиз ҳам издан чиқди. Қурилган тик қувурларимиз электр энергияси сарфи чегараланганлиги сабабли тўла қувват билан ишлатилмай келинмоқда. Натижада вилоятимизда оқар сув танқислиги ҳамда ер ости сувларининг кўтарилиши муаммоси келиб чиқди. Юқорида қайд этилганлардан кўриниб турибдики, мелиорация ишлари ирригация ишлари билан чамбарчас боғлиқ. Бундай мураккаб вазифани бажаришда қурувчи ҳамда лойиҳаловчи ташкилотларнинг ҳам ўрни муҳимдир.

Мана икки йилдан бери давлатимиз томонидан ички зовурларимизни механик тозалашга ажратилаётган маблағ ҳисобига бажарилаётган ишлар натижаси ёмон бўлмаяпти, бунинг самарасини албатта кўпчилик деҳқоналаримиз сезаётган бўлсалар керак. Бу ишларимизни 2008 йилда янада уюшқоқлик билан давом эттиришимиз ва шу билан бирга:

— ёпиқ зовурлар қуриш ишларини ҳам йўлга қўймоғимиз даркор. Қўлимизда йиғилган маълумотлар асосида керак бўлса қўшимча гидрогиологик изланишлар олиб бориб, ер ости сувларининг ҳосил бўлиш сабабларини чуқур ўрганиб, унга асосланган ҳолда лойиҳачиларимиз томонидан схемалар ишлаб чиқиб, уни бартараф этиш устида иш олиб бориш;

— модомики ер ости сувлари кўпроқ суғоришдан ҳосил бўлар экан, биз деҳқончилик маданиятини оширишимиз, шу йўл билан биз учун қимматли бўлган оқин сувларини тежаб сарф қилмоғимиз;

— ирригация ва мелиорация тизимлари бўйлаб механизмлар ўтиши учун ажратилган йўлларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олинишига йўл қўймаслик ҳамда тўсиб қўйилган йўлларни зудлик билан очиш масаласини ҳал этиш керак.

Фарғона вилоятининг экин майдонлари салмоғида қарийб 50 фоиздан ортиғи турли даражада шўрланган ҳисобланади. Қолаверса, экин майдонлари катта ва жанубий Фарғона ҳамда Андижон каналлари суғориш тармоқларининг охирги қисмларида жойлашган. Бу эса сув таъминотида маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Қолаверса, аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган майдонлар ҳам бошқа вилоятларга нисбатан оз бўлиб янги ерлар очиш имкониятлари деярли йўқ. Шунинг учун биз асосий эътиборни вилоятимиз экин майдонларининг аксарият қисмини ташкил қилиб турган марказий Фарғона ерларига қаратмоғимиз керак. Чунки бу ерлар ўзлаштирилганига 30-40 йилдан ошди. Шунинг учун бу ерлар ҳосилдорлигини оширишга аввало маблағ, техника воситалари, деҳқонлар учун етарли шароит талаб этилади.

— Фақат бугина эмас. Балки ишни аввало ерларнинг мелиоратив харитасини, яъни ер ости сувларининг ҳаракатини кузатиш ёки шўрланиш даражасини инвентаризация қилишдан бошлаш лозим эмасми? Шунингдек, магистрал коллекторлар кесиб ўтган каналлар ва автомобил, темир йўлларда жойлашган иншоотларнинг техник ҳолатини аниқлаш, уларни тиклашнинг дастурини ишлаб чиқиш зарур эмасмикин?

— Ҳа, бир сўз билан айтганда барча ишларни илмий асосда йўналтириш керак. Бунинг учун вилоятимизда тажрибали мутахассислар ҳам, салоҳиятли олимлар ҳам етарли. Гап уларнинг кучини бирлаштиришда қолган.

Маълумотларга қараганда вилоятимиздаги 110 минг гектардан зиёд майдон 144 на насос станциялари орқали суғорилади. Аммо уларнинг аксарияти ўзларининг белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлган. Демакки, янгилаш ёки қайта тиклаш лозим. Айниқса, илгари хўжаликлар тасарруфида бўлган насос агрегатларининг анчагина қисми тиклаш-таъмирлашга муҳтож.

— Шу боис, бугунги кунда вилоятимизда олтмиш фоиз суғориладиган майдонларда ер ости сувлари сингиши қийинлашмоқда. Бу эса ер ости сувларининг кўтарилиши, ҳосилдор тупроқнинг шўрланишига олиб келмоқда.

Хўжаликлараро зовурларнинг тозаланиши ҳам энг долзарб масалалардан биридир. Ширкат хўжаликлари тугатилиб фермер хўжаликлари ташкил бўлгач бу зовурлар, айтиш мумкинки, «эгасиз» қолди. Аниқроғи уни ким ва қайси маблағ ҳисобидан тозалаши бугунгача номаълум эди. Президент Фармонида бу масала ҳам ўз ечимини топди. Яъни Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузурида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини ташкил этиш назарда тутилган. Бу эса деҳқонга ҳам, сувчига ҳам берилган кафолатдир. Яна бир муҳим жиҳат: экскаватор, ювиш агрегатларининг етишмаслиги эди. Келгуси йилнинг ўзидаёқ республикамизга 150 та экскаватор сотиб олиниши умидбахш воқеадир. Масалан, Фарғона вилоятининг ўзигагина 50 дан зиёд экскаватор сотиб олинишига эҳтиёж бор. Биргина мисол, ширкат хўжаликлари ҳисобида 54 та экскаватор мавжуд эди. Бугунги кунда эса фермерлар ва муқобил МТПлар тасаруфида 20 дан зиёд экскаватор қолди холос. Қолганлари яроқсиз ҳолга келиб, йўқолиб кетди.

Яна бир гап: бугун вилоятдаги икки ярим мингга яқин скважинанинг ярмидан кўпи тўлиқ тикланишни талаб этади.

— Демак, нафақат суғориш балки шўр ювиш ишлари ҳам ана шу насосларга бир жиҳатдан боғлиқ эканда? Масалан вилоятимиздаги юз минг гектардан зиёд ғалланинг анчагина қисми ҳали пахта ҳосили тўлиқ йиғиштириб олинмасидан ғўза орасига экиляпти. Бу эса ерларнинг шўрини ювиш имкониятини чегаралаб қўймоқда. Пировард натижада у ҳосилдорликка ҳам таъсир қилмай қолмаса керак?

— Сўнгги беш йил ичида ер ости сувларининг юзага яқинлашуви икки баробарга кўпайди. Худди шунингдек, шўрланган майдонлар ҳам ҳар йили 8-10 фоизга кўпаймоқда. Демакки, мелиоратив ҳолати жиҳатидан бонитети белгиланган ҳосилдорликни бермайдиган ерлар вилоятимиздаги умумий майдоннинг тўртдан бир қисмига етгани ниҳоятда ташвишлидир. Бу эса зудлик билан нафақат мелиорация, балки ирригация ишларини ҳам баробар амалга оширишни талаб этади.

— Мелиорация соҳасида муаммолардан қайси ишларни энг муҳим даражада деб ўйлайсиз?

— Менимча, бу борадаги бирор-бир масалани иккинчи даражали деб бўлмайди. Чунки уларнинг ҳаммаси ҳам муҳим. Масалан хўжаликлараро ва хўжаликларнинг ички коллекторларини тозалаш, ёпиқ горизонтал дренажларини таъмирлаш, вертикал скважиналарни тиклаш, насос станцияларини таъмирлаш ва янгитдан қуриш, магистрал канал ҳамда коллекторларни таъмирлаш... Қани, айтинг-чи, буларнинг қай бири биринчи даражали аҳамиятга эга эмас? Муҳими, энди ишларни зудлик билан амалга оширишни юкловчи Республикамиз Президентининг Фармони бор. Вилоятда шу соҳадаги ҳар бир тажриба, мутахассислар фикри, деҳқонларнинг маслаҳатига сабр ва жиддий ёндошиб қулоқ тутиш керак. Шундан кейингина қилинадиган ишлар дастури тузилиши лозим. Фахрий сувчилар қатори ўзим ҳақимда айтсам, қўлимдан келадиган барча ёрдам ва маслаҳатимни аямайман. Зеро, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳақидаги Фармоннинг бажарилиши умумхалқ ишига айланиши керак, деб ҳисоблайман.

Таълим

Келажак бунёдкорлари

Юрт тинчлиги, фаровон, тўкин-сочинликда яшаши, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашида ҳам ўз ўрнида ёш авлоднинг хизмати беқиёс бўлиши тайин. Шунинг учун юртимизнинг барча гўшаларида ёшларга, жаҳон андозаларига мос келадиган академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ҳамда замонавий усулда мактабларда таълим-тарбия берилмоқда.

Бу саъй-ҳаракатлар пировардида, амалга оширилаётган эзгу ислоҳотларни такомиллаштириш, уларнинг туб моҳиятини чуқур ўрганиш, ёш авлодни етук, давр талабига мос малакали мутахассис, юртига, миллатига садоқатли инсонлар қилиб тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Шу маънода, Самарқанд 1-сонли педагогика коллежи ҳам ўтган йилни ёруғ натижалар билан якунлади. Ҳозирда 2780 нафар талаба таҳсил олаётган мазкур даргоҳда 4 та йўналишда таълим берилади.

137 нафар малакали ўқитувчи-педагоглар ёшларга таълим-тарбия бериш билан бир қаторда, ўз ўқувчилари билан турли фан олимпиадалари ҳамда кўрик-танловларда ҳам муваффақиятли иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Дарвоқе, ўтган йилнинг 4 декабрь куни Самарқанд вилояти “Ёшлар маркази”да ўтказилган “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танловида 2-ўринга, “Энг яхши мутахассис” кўрик-танловининг вилоят босқичида эса фахрли 1-ўринга сазовор бўлишди. Ўқув ва ишлаб чиқариш бўйича амалиётлар “Бошланғич таълим” йўналишида 2-курснинг иккинчи ярим йиллигидан бошлаб, “Материал парчалари билан ишлаш”, “Очиқ ҳаво”, “Музей амалиёти”, “Тикувчилик”, “Пазандачилик” амалиётлари режа асосида икки гуруҳга бўлиб ўтилади.

Бундан ташқари, коллежда турли тўгараклар ташкил этилган бўлиб, талабалар бўш вақтларини мазмунли ўтказишади. Қувонарлиси, 42 та тўгаракнинг 12 таси умумтаълим фанларидан бўлса, қолган 30 таси махсус фанлар бўйича ташкил этилган. Хусусан, “Увайсий издошлари” тўгараги қатнашчилари “Зарафшон”, “Туркистон”, “Олтин қалам”, “Гулчеҳралар” газеталарида ўзларининг шеър ва мақолалари билан мунтазам иштирок этишаётган бўлсалар, каштачилик, тикувчилик тўгараги аъзолари ўз қўл меҳнати асосида тайёрланган ишлари билан шаҳар, вилоят кўрик-танловларида 1,2-ўринларни қўлга киритишди.

— Коллежимизда маънавий-маърифий ишларга кенг эътибор беряпмиз, — дейди коллеж директори Исроил Акбаров. — Энг асосийси, юртимиз ҳаётига оид муҳим саналар, байрам тантаналари, аллома ва мутафаккирларнинг туғилган кунларини, сиёсий, маданий-оммавий ва спорт-соғломлаштириш ишлари каби тадбирларни белгиланган тартибда жорий қилганмиз.

Жумладан, ўтган йили таниқли адиб Абдулла Қаҳҳорнинг 100 йиллик юбилей тўйи муносабати билан гуруҳлар ўртасида ўтказилган адабий-бадиий кеча кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Шу йили ўтказилган Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи тантаналари муносабати билан бир қанча тадбирларда ҳам коллеж ёшлари иштирок этишди.

Умид СОРИЕВ,
журналист. ®

Суриштирув

«...Халқимиз ибораси билан айтганда, бугун фермерга қирқ ҳунар оз. У бир вақтнинг ўзида ҳам деҳқон, ҳам агроном, ҳам чорвадор, керак бўлса, механизаторлик ва механиклик ҳам қилади, табелчи ва иқтисодчи, банкир ва бухгалтер, таъминотчи вазифаларини ҳам бажаради. Шу билан бирга, у ўз маҳсулотини сотиш масалалари билан шуғулланиши лозим. Кўриб турганимиздек, амалда фермердан зарур кўникма ва билимга эга бўлишни талаб қилмайдиган соҳанинг ўзи йўқ. Шу сабабли фермер бўлишни истайдиган одамлар ўртасида танлов ўтказиш, уларга ер ажратишда, янги фермер хўжаликларини рўйхатга олишда бу ишнинг ҳамма томонларини ҳисобга олиб, ўта масъулият билан ёндашиш даркор»

Ислом КАРИМОВ

Прокурор протести бажарилмаяпти. Нега?

Таҳририятимизга Самарқанд вилояти Оқдарё тумани Қўтирбулоқ қишлоғида яшовчи Мурод Тоғаевдан шикоят хати келди.

«Маълумотим олий. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тугатганман. 2007 йил 15 январь куни туманимиздаги «Қўтирбулоқ-Зарафшон» ММТПга қарашли бўлган ерларга бўлиб ўтган танловда мен ҳам 5-лойиҳага талабгор сифатида танловда иштирок этдим. Мен қатори айнан шу лойиҳа бўйича иккинчи талабгор қишлоқдошим Сапар Умаров бўлди. «Танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар 2007 йил 4 январгача қабул қилинади», деб ёзилганидан сўнг, ана шу санагача тегишли ҳужжатларни комиссияга топшириш жараёнида нима учундир, нотариал идора орқали тасдиқланган техникамнинг олди-сотди шартномасини инобатга олишмади.

Сапар Умаровнинг ҳужжатларини эса танлов комиссияси 13 январда ҳам қабул қилди. Хуллас, 15 январь куни танловда иштирок этиб, мен 57 баллни, рақибим эса 58 баллни қўлга киритиб, танлов «ғолиби» деб эълон қилинди.

Шундан сўнг, мен комиссияга мурожаат этиб, «Низом» талаблари қўпол равишда бузилганлигини маълум қилдим. Улар мени тинглашмади. Энг қизиғи шундаки, мен олий маълумотли бўлсам-да, мутахассислигим учун 7 балл, Сапар Умаровга 10 ойлик бухгалтерия курсини тугатган бўлса-да, унинг мутахассислигига 8 балл берилди. Бу қайси қоидага тўғри келади?

Бу ерда танлов ҳайъати раис Эсиргап Раҳматов ва комиссия аъзолари ўртасида таниш-билишчилик катта «роль» ўйнади ва охир-оқибатда қишлоқ хўжалигида билим ва тажрибага эга бўлмаган «рақибим» «ҳомийлари» ёрдамида «байроқ»ни кўтарди. Мен у билан ён қўшни бўлиб яшасам-да, унинг иккита техникаси борлигини билмаганман. Мўъжиза рўй бериб, рақибим танловда «иккита техникали» бўлиб қолди. Мана, танлов бўлиб ўтганига ҳам яқинда бир йил бўлади. Керакли жойларга қилган мурожаатларим ҳам ҳавода қолмоқда. Танловда вилоят адлия бошқармасидан вакил Сафар Тоғаев иштирок этиб, комиссия хулосасини тўғри деб маъқуллади. Мен бу муаммо бўйича туман ҳокимлигига ҳам мурожаат этдим. Натижа бўлмади. Шундан сўнг амалий ёрдам сўраб «Ҳуррият» мустақил газетасига ёзишга мажбур бўлдим», деб мактуб йўллайди у.

Яқинда ушбу мактуб юзасидан суриштирув олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепсиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Оқдарё туман ҳокимининг 2006 йил 5 октябрдаги № 39-ф фармойишига асосан, тумандаги 12 та ширкат хўжаликлари фаолиятини тугатиш ва уларни фермер хўжаликларига айлантириш бўйича ишлар олиб борилган эди. Юқорида тилга олинаётган «Қўтирбулоқ-Зарафшон» ММТП тасаррруфидаги ерлар эса фармойишга киритилмаганди. Бироқ 2007 йил 15 январда бўлиб ўтган танловда 10га ер майдонига танлов ўтказилиб, талабгорлар аниқланиб, ММТП тасарруфидаги ер майдони бўйича низо вужудга келганлигидан кўз юмиб бўлмайди.

«Қўтирбулоқ-Зарафшон» ММТПнинг асосий фаолияти ҳудуддаги фермер хўжаликларига шартнома асосида хизмат қилишдан иборат. Ҳокимият қарори билан захирада бўлган ер майдонини вақтинча бошқариш ҳам ММТП зиммасига юклатилган. Кейинги йилларда ташкилий ишлар йўлга қўйилмаганлиги, экилган ҳосил парваришига панжа орасидан қараш оқибатида 2006 йил давлатга пахта сотиш режаси бажарилмаган. Статистик маълумотларга қараганда «Қўтирбулоқ-Зарафшон» Оқдарё ММТПга белгиланган 153,9 тонна ўрнига 137,9 тонна «оқ олтин» топширган. Яъни режа 89,6 фоизга уддаланган, холос.

Шундай бўлса-да, ММТП раиси Абдураим Мамараимов ижрочи Сапарбой Умаровни қўллаб-қувватлаш мақсадида «пахта режасини бажарди» деб танлов комиссияга сохта маълумотнома ёзиб беради. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Ширинбой Абдусаматов ваколатидан четга чиқиб, ушбу маълумотномани кўр-кўрона тасдиқлаб имзо чекиб, муҳр босади. Аслида, фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низомда аниқ ва тиниқ қилиб ёзиб қўйилганки, сўнгги уч йил давомида маҳсулот етказиб бериш бўйича давлат шартномаларининг бажарилиши тўғрисида туман статистика бўлими ёки қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан берилган маълумотнома қонуний ҳисобланади. Шунинг оқибатида С.Умаровга шартнома шартларининг бажарилиши бўйича 4 балл ортиқча қўйилган.

Танлов ҳайъатининг "адолатпарвар" аъзолари, не ажабки, талабгор С.Умаров аслида ўн ойлик бухгалтерия курсини тамомлаган бўлса-да, унинг мутахассислигига 8 балл, олий маълумотли М.Тоғаевга эса 7 балл қўйдилар. Бу ерда ҳам танлов ўтказиш бўйича тасдиқланган Низом талаблари қўпол равишда бузилган. Иккинчи талабгор томонидан «ёз-ёз»лар бошланганидан сўнг С.Умаровга тегишли бўлган «гувоҳнома» бўйича баҳс-мунозаралар авжига чиқади. Комиссияда ўтирганлар ўз айбларини ёпиш мақсадида мазкур гувоҳнома ҳақиқатан ҳам мутахассислик мақомини бера олади деб оёқ тирашади.

Аслида шундайми? Биз буни аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказига мурожаат этдик. Марказ директори ўринбосари З.Тожихўжаев имзоси билан қуйидагича жавоб олдик: "Фуқаро Умаров Сапар номига 1972 йил 17 августда берилган 180644 рақамли гувоҳнома бугунги кунда коллеж ёки институт даражасидаги мутахассислик мақомини бера олмайди". Демак, комиссия томонидан мутахассислик бўйича берилган "8" балл нотўғри қўйилганлиги ойдек равшан, шундай эмасми?

Суриштирувимиз жараёнида Оқдарё туман ҳокими вазифасини бажарувчи Шуҳрат Нарзиев имзоси билан олган яна бир жавобни эътиборингизга ҳавола этишни лозим топамиз:

«Тумандаги «Қўтирбулоқ-Зарафшон-Оқдарё» муқобил машина трактор парки ихтиёрида бўлган ер майдонларида фермер хўжаликлари ташкил этиш бўйича ўтказилган танловда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 18 ноябрдаги 237 А-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низом талаблари бузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Шу муносабат билан 2007 йил 30 январь куни № 257-К сонли «Қўтирбулоқ-Зарафшон» ММТП тасарруфидаги мавжуд ерларга тендер ўтказиш ва комиссия таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган».

Хўп, жуда маъқул, лекин ундан кейин нима гап? Эски ҳаммом, эски тослигича қолаверди. Қарор ижросини бажариш учун масъул бўлган шахслар ҳам қайта танлов ўтказишни пайсалга солганлиги боис, унинг ижроси бажарилмай қолди. Туманда танлов билан боғлиқ қатор муаммолар ўз ечимини кутаётган бир пайтда, туманда янги раҳбар — ҳоким Нурали Бердибоев иш бошлади. Кўпчилик қатори бундан ҳурсанд бўлган ҳақиқат ва адолат истаган Мурод Тоғаев унинг қабулига ёрдам сўраб кирди. Унинг мурожаатлари эътиборга олинмади. Ҳоким 2007 йил 15 январда бўлиб ўтган танлов комиссияси томонидан тузилган баённома ва вилоят адлия бошқармасининг хатини асос қилиб, масалани ўз ҳолича қолдирди. Бундан норози бўлган Муродбой Оқдарё туман прокуратурасига мурожаат этди. Прокуратура тегишли ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, йўл қўйилган қонун бузишларини бартараф этиш, 2007 йил 15 январда бўлиб ўтган танлов баённомаси ва ҳоким томонидан қабул қилинган қарорни бекор қилиб, қайта танлов ўтказиш тўғрисида 2007 йил 7 декабрда «№ 10-У- 07» сонли протест киритди. Адолатни қарор топтириш учун бир йиллик тушунмовчиликларга чек қўйилди. Лекин унинг ижроси негадир яна пайсалга солиб келинмоқда. Нега?

Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,
«Ҳуррият» мухбири.

2008-yil 9-yanvar | Mustaqil gazeta HURRIYAT O'zingni angla!

Фаолият

Мамлакатимизда кечаётган демократлашув, жамиятни модернизациялаш жараёни бугунги кунда барча соҳаларни бирдек қамраб олган. Албатта, бу жараённи эркин оммавий ахборот воситалари тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг эркин фаолият юритишига етарли шарт-шароит ва ҳуқуқий асосни яратиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳада илғор жаҳон андозаларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган самарали ишлар ҳам ҳуқуқий-демократик ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлидаги бир қадамдир, аслида.

«Озод юрт тўлқинлари»

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг бир йиллик фаолиятига назар



Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда 900 дан ортиқ газета ва журнал рўйхатга олинган, 57 та телевидение, 17 та радиоканал, 4 та ахборот агентлиги фаолият юритмоқда. Оммавий ахборот воситалари бозорига интернет-нашрлар дадил кириб келмоқда. Уларнинг ярмидан кўпи нодавлат оммавий ахборот воситаларидир. Бу эса юртимизда жадал ривожланаётган мустақил ОАВлари фаолиятидан далолат.

2003 йили Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг ташкил этилиши ҳам соҳани ривожлантириш йўлида муҳим қадам бўлди. Ассоциация нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ролини ошириш, миллий позициясини ишлаб чиқиш, салоҳиятини мамлакат равнақи учун йўналтириш, юртимизда замонавий телебозорни ривожлантириш ишига ҳисса қўшиш мақсадида ўз фаолиятини босқичма-босқич ривожлантириб бормоқда.

Сарҳисоб

ЎзЭОАВМАнинг йил якунлари ва келгуси йил режаларига бағишланган «Озод юрт тўлқинлари» медиа-форуми янги йил арафасида, аниқроғи, ўтган йилнинг 27-28 декабрь кунлари пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида бўлиб ўтди. Унда ғалвир сувдан кўтарилиб, «Нодавлат телерадиоузатувчиларнинг 2007-2008 йилларга мўлжалланган ривожланиш дастури» ижросидаги ютуқлар ва муаммолар атрофлича муҳокама қилинди. Шунингдек, Ассоциациянинг 2007 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботлари эшитилди, 2008 йил режаларини белгилаш масалалари кўрилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, ташкилот раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги нодавлат телерадиоканаллар ходимлари қатнашди.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Фирдавс Абдухолиқов, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов, Миллий телерадиокомпания раиси Алишер Хўжаев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири матбуот котиби Шерзодхон Қудратхўжаев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмуҳаммедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Грантлар

Ривожланиш дастури ижроси асосан аъзоларга грант маблағлари ажратиш билан амалга оширилади. 2007 йилга мўлжалланган 22 та лойиҳа ассоциация аъзоларининг 6 февраль куни бўлиб ўтган умумий конференциясида бир овоздан тасдиқланди. Жумладан, жамиятдаги демократик жараёнларни кенг ёритишни мақсад қилган «Замон билан ҳамнафас» грант лойиҳасида 16 та телестанция ва 5 та радиостанция иштирок этди. Улар томонидан эфирга узатилган 280 та кўрсатув ва 337 та лавҳа, 188 та эшиттириш, 144 та ижтимоий радиоролик, 427 та информацион радио хабарлар ўз мухлисларини топди.

Ҳудудларда амалга оширилаётган ислоҳотларни кенг ёритишни мақсад қилган «Ахборот маркази» грант лойиҳасида 17 та телестанция иштирок этиб, «Ҳудуд» ахборот-таҳлилий дастурининг 142 та сони эфир юзини кўрди. 2007 йил иккинчи ярмидан бошлаб дастур ҳафтада 5 марта эфирга чиқа бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси жараёнларини ёритишда ахборот савияси ва тезкорлигини ошириш мақсадида «Ҳудуд» ахборот дастурининг ижодий гуруҳи учун замонавий иш шароитлари яратилди. Табиийки, бу ўз самарасини берди.

Ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан амалга оширилаётган ишларни кенг ёритишни мақсад қилган «Ижтимоий лойиҳа»да 17 та телестанция иштирок этиб, «Мозийдан садо», «Илдизлар ва япроқлар», «Бизнинг замондош» рукнларида бир-биридан қизиқарли кўрсатув ва роликлар тайёрланиб, халқимизга тақдим этилди.

9 та нодавлат радиостанция ҳам грантда иштирок этди. Лойиҳа доирасида уларга 1760 та хабар ва интервью жўнатилди ва шу орқали ахборот тақчиллигига сезиларли равишда барҳам беришга эришилди.

2006 йилнинг апрель ойида кабель телевидениеси субъектларининг «O'zbekiston Kabel Televideniyesi» ЁАЖ номи остида бирлашиши ҳақидаги қарор қабул қилинган эди. ЎзЭОАВМАнинг «Кабель операторлари билан марказлашган ҳолда ишлаш, шу жумладан, республика кабель телевидениелари олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилиш бўйича доимий ҳаракатда бўлган механизмни яратиш» лойиҳаси доирасида кабель телевидениеларининг техник жиҳатдан бирлашиши амалга оширилмоқда. Кейинчалик ушбу лойиҳа Ўзбекистондаги барча кабель студияларини қамраб олади. Бу эса лицензияга эга бўлмаган сигналларни узатишга чек қўяди, муаллифлик ҳуқуқларига риоя этиш таъминланади. Қолаверса, сифат яхшиланади, аҳоли учун кўрсатиладиган хизматлар тури кўпаяди.

Семинарлар

ЎзЭОАВМА фақат моддий-техник томондан эмас, шу билан бирга, илмий-назарий ўқув машғулотлари ташкил этиш йўли билан нодавлат телерадиостанцияларни бу жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаб келмоқда. 2007 йил давомида нодавлат телерадиостанциялар, кабель телевидениеси субъектлари ходимларининг касбий ва ижодий маҳоратини ошириш мақсадида 37 та семинар ташкил этилди. Энг муҳими ўтказилган семинарларнинг фақат назария билан чегараланиб қолмаганлигидадир. Уларга соҳанинг энг етук мутахассислари, олимлар, узоқ йиллик тажрибага эга амалиётчилар, манфаатдор ташкилотлар вакиллари ҳамда ОАВга оид қонун ижодкорлиги билан шуғулланувчи депутатлар таклиф этилади. Семинарлардаги амалий машғулотларда журналист ва техник ходимлар ўзларининг янги ғояларни ҳаётга татбиқ этишга киришиб кетдилар.

3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги куни муносабати билан 2 май куни Сурхондарё вилоятида ассоциация аъзолари вакилларининг кўчма семинари бўлиб ўтди. Иштирокчилар маҳаллий «Ишонч» телестудиясининг 10 йиллиги ва янги биноси очилиш маросимида иштирок этдилар. Шунингдек, минтақадаги нодавлат телерадиостанциялар ижодий ходимлари фаолияти учун яратилган шарт-шароитлар, моддий-техник базасини ривожлантириш бўйича қилинган ишлар билан танишдилар.

23-24 июнь куни Бухоро, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида фаолият юритувчи ҳудудий телестанцияларда ЎзЭОАВМА аъзоларининг навбатдаги кўчма семинари ташкил қилинди. Шунингдек, бундай кўчма семинарлардан яна бири 5 декабрь куни Жиззах вилоятида бўлиб ўтди.

Халқаро ҳамкорлик

Ташкилот фаолияти ва истиқболи унинг ҳамкорлари кимлигидан ҳам аён бўлади. ЎзЭОАВМА Миллий Телерадиокомпания, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси каби нуфузли ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Йил сайин халқаро ҳамкорликка катта эътибор берилаётгани эса Ассоциация фаолиятининг қамрови кенгайиб бораётганидан далолат.

Ўз навбатида бу ишлашнинг илғор шакл ва услублари, янги технологияларни ўрганиш, халқаро телефестивал, танлов, кўргазма ва анжуманларда иштирок этиш имконини яратади. Ассоциация вакиллари 2007 йил давомида Россия Федерациясининг Ханти-Мантийск, Москва, Монако давлатининг Монте-Карло, Грециянинг Родос, Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳарларида бўлиб ўтган анжуманларда иштирок этдилар.

Хорижий телеканаллар телемаҳсулотларини эфирга узатиш учун харид қилиш борасида кўпгина ишлар олиб борилмоқда. Россиянинг НТВ телеканали билан шартнома имзоланди. «РТР Планета», «Культура», «Первый канал» каби бир неча хорижий телеканаллар билан алоқалар ўрнатиш арафасида турибди. Шунингдек, Корея Республикасининг йирик KBS WORLD телекомпанияси билан музокаралар якунига етай деб қолди.

Ғолиблар

Ассоциация аъзолари турли халқаро ва миллий танловларда иштирок этиб, муносиб ўринларга сазовор бўлмоқда. Бу борада 2007 йил ҳам уларга омадли келди. «Олтин қалам» мукофотининг телевидение номинацияси бўйича ЎзНТТ, радио номинацияси бўйича «Пойтахт» радиостанцияси иккинчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан эълон қилинган «Йилнинг энг фаол журналисти» танловида «Ҳудуд» ахборот-таҳлилий дастури муҳаррири Б.Тўрахонов совриндор деб топилди, «Дийдор» радиостанцияси муҳаррири М.Ибрагимова эса рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлди. Унни бойитиш Миллий дастури доирасида эълон қилинган III Миллий танловда Ассоциация аъзолари турли номинациялар бўйича совриндор бўлдилар. ЎзЭОАВМАда яна бир ибратли анъана мавжуд: ҳар бир семинар ёки шу сингари бошқа йиғинларда фаол аъзолар рағбатлантириб борилади.

Ассоциациянинг "Озод юрт тўлқинлари" анъанавий мукофоти эса 10 та номинация бўйича берилади. Йил якунларига бағишланган медиа-форум доирасида ушбу мукофотни топшириш маросими ҳам бўлиб ўтди. 27 декабрь куни медиа-фестивал ғолиблари энг сўнгги технология ютуқларидан фойдаланган ҳолда, электрон усулда тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан аниқланди.

Натижаларга кўра, «Энг яхши ижтимоий ролик» номинацияси бўйича «Марғилон-ТВ» муҳаррири Муяссар Умарова ғолиб деб топилди. «Тезкор ва зукко телемухбир» номинацияси бўйича Рухсора Ғофурова («Самарқанд-СТВ»), «Моҳир техник ходим» номинацияси бўйича Нозим Хожиев (ЎзЭОАВМА Ахборот маркази монтажчиси), «Энг яхши радиошарҳловчи» номинацияси бўйича Хожимурод Отақулов («Орият-Доно» муҳаррири), «Энг яхши публицистик теледастур муаллифи» номинацияси бўйича Дилфуза Эсонова («Парламент соати» кўрсатуви муаллифи) ғолибликни қўлга киритди. «Миллий қадриятлар мавзуси тарғиботчиси» номинацияси «Замин» радиосига насиб этган бўлса, «Телерадиоузатиш соҳасида IT-технологиясини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» «Ўзбекистон кабель телевидениеси» ЁАЖ тақдирланди. «Халқаро миқёсдаги ижтимоий лойиҳаларни самарали ёритгани учун» ЮНИСЕФнинг алоҳида номинацияси ЎзЭОАВМАга, «Йилнинг энг яхши ҳамкори» номинацияси мукофоти Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига топширилди. «Ижтимоий ҳимоя йили»даги ЎзЭОАВМАнинг Бош мукофоти «Ижтимоий аҳамиятга эга юқори самарали фаолият учун» номинацияси билан «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси тақдирланди.

2008 йил режалари: умид ва интилишлар

2006-2007 йилларга мўлжалланган Ривожланиш дастурини амалга ошириш жараёнида ҳудудий теле ва нодавлат радиостанцияларда фаолият олиб бораётган ходимларнинг малакасини ошириш, телерадиостанцияларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида бир қанча лойиҳалар амалга оширилди. Нодавлат телерадиостанцияларнинг 2008 йилга мўлжалланган Ривожланиш дастуридан ўрин олган лойиҳаларнинг асосий қисми ҳам худди ана шуларга қаратилган. Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг ушбу анжуманида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С. Иномова, А. Арипов, Р. Қосимов иштирок этди.

Улуғбек МАҲКАМОВ

TURON BANK

Очиқ акциядорлик тижорат «ТУРОН БАНК»

юридик шахслар учун бўш пул маблағларини жойлаштириш имконини берувчи жамғарма сертификатларини қуйидаги шартларда **таклиф этади:**

- ***3, 6 ойлик муддат учун, фоиз тўлови йиллик 8%;***
- ***12 ойлик муддат учун, фоиз тўлови йиллик 9%.***

Шу ўринда мамлакатимиз қонунчилигига кўра, бир йилдан юқори муддатга жойлаштирилган маблағлардан фоиз кўринишида олинган даромадлар солиқ тўловларидан озод этилишини маълум қиламиз.

Фоиз тўловлари ўз вақтида тўланиши ва омонатларнинг қайтарилиши кафолатланади.



Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:
700-55-55, 144-32-52

«Турон банк» — Сиз билан, Сиз учун!

Фарғона вилоят Данғара тумани "Матлуботсавдо" ҳиссадорлик жамияти жамоаси

Барча юртдошларимизни Янги — 2008 йил билан чин юракдан қутлайди ҳамда Ватанимиз посбонларини яқинлашиб келаётган 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни билан табриклайди.



Осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин, ҳар бир хонадонга хотиржамлик ва қут-барака ато этсин.

Шифо масканларида

Шифокорлар ўз вақтида дам олиб туришни тавсия этади. Бу борада халқимизда "Яхши дам — меҳнатга ҳамдам", деган гап бор. Тўғрида, меҳнат қилган киши ҳордиқ чиқаришни-да билиши лозим. Акс ҳолда инсонда ҳам ақлий, ҳам жисмоний толиқиш юзага келади. Натижада, ишнинг баракаси учади, танадан мадор кетади.

Дардга дармон бўлаётганлар

Сўнгги йилларда республикамизда аҳоли саломатлигини яхшилаш мақсадида қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жойларда турли шифохонаю дам олиш масканлари қурилиб, халқимиз ихтиёрига топширилмоқда. Буни биргина Самарқанд вилояти мисолида кўрадиган бўлсак, айни кунларда "Нурбулоқ", "Зарафшон", "Оҳалик" сингари кишилар саломатлигини тиклайдиган масканларни зикр этиб ўтиш мумкин. «Ҳозир санаторий отлиғ жойлар кўпайгандан-кўпайиб кетди, қайси бирига боришингни-да билмайсан", дегувчилар ҳам топилади. Аммо ҳозир одамлар ҳам анойи эмас.Танлаб, қаерда яхши хизмат кўрсатилса, ўша ерга боришади.

Бухорога бораверишда йўлнинг шундоққина чап томонида Чуқур қишлоғи жойлашган. Бу ерлар ўзининг тоза ҳавоси ва ажойиб табиати билан одамлар ёдида узоқ вақт сақланиб қолади. Худди шу қишлоқда биз юқорида тилга олган дам олиш масканларидан бири – "Устоз" санаторийси жойлашган. Мазкур гўшада замонавий жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, табиий балчиқ, парафин, фитованна ва физиотерапия аппаратлари ёрдамида хизмат кўрсатилади. Малакали мутахассислар томонидан асаб касалликлари ва ҳаракат таянч органлари хасталикларини даволаш бўйича олиб борилаётган муолажалар кўпчиликка манзур бўлаётир.

– Мени анча йиллардан буён бош оғриғи безовта қилиб келарди, – дейди Рўзи ака Азимов. – "Устоз"да даволаниб, соғлиғимни анча тиклаб олдим. Энди ҳар йили мана шу санаторийга келмоқчиман.

Шунингдек, санаторийнинг спорт мажмуаси, маданият уйи ҳамда 80 ўринли ошхонада барча шароитлар яратилган.

Ўтган йилда "Устоз" саломатлик масканида 5 минг нафардан ортиқ таълим соҳаси ходимлари дам олиб, ўз саломатликларини тикладилар. "Ижтимоий ҳимоя йили"да вилоят халқ таълими бўлими режаси асосида фахрий педагоглар, ҳозирда ёшларга таълим-тарбия бераётган ўқитувчилар, олимпиада ва турли кўрик-танловлар ғолиблари бўлган ўқувчилар ҳамда кам таъминланган оилалардан 65 нафар киши санаторийда бепул даволанганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шу кунларда шифо масканида ободонлаштириш, таъмирлаш ва қурилиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, физиотерапия бўлими, ошхона ва дам олиш зали реконструкция қилиниб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Марказнинг 1300 метрдан иборат ҳимоя девори қуриш ишлари якунланмоқда.

— Халқимизга намунали хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, даволаш ишлари сифатини янада яхшилаш мақсадида яқинда 3 миллион сўмлик янги тиббий асбоб-ускуналар сотиб олдик, – дейди марказ директори Зариф Облоқулов. — Жорий йилда эса марказ қошида деҳқончилик билан шуғулланадиган ёрдамчи хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилган. Барча ҳаракатларимиз ҳамюртларимизга янада қулайроқ шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Агарда одамлар марказимиздан кўнгли тўлиб қайтишса, мақсадимизга эришган бўламиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, "Устоз" саломатлик ва биоэкосан маркази ишини минг марта эшитгандан кўра, бир марта бориб кўрган афзал.

Нигора ЭШОНҚУЛОВА Ⓡ

Тадбиркорлик

Эл дуоси

Қўқонлик Мунаввар ота билан Муҳтабар аялар оиласи рўзғор бешигини кўп қатори баҳоли қудрат тебратиб турган кишилар. Иккovлариям ўқитувчилик нони билан умргузаронлик қилиб келишган. Ўғиллари Равшан болаликданоқ ҳаракатчан, ўйлаб иш тутадиган, ҳунарманд ва бозор билан тиллаша оладиган йигит бўлиб вояга етди. Мактабдан бўшади, дегунча, ўзини ишга урарди.



Тикув машинасида чок юритиш ва бичиш ҳунарини ўрганиб, даставвал болалар ва эркаклар учун ички кийимлар ва кейинроқ эса, костюм-шимлар тикадиган бўлди. Ҳар бозор ўзи тайёрлаган рисоладагидек маҳсулотларни сотиб, рўзғорга ёрдамлашди. Албатта, пулни беҳудага сарфламади, тийинни-тийинга, сўмни-сўмга уриштиришни, фойдали нарсаларгагина харжлашни ўрганди.

Шундай қилиб, тез орада қаддини ростлаб олди, эл оғзига тушди. Давлатманд бўлди, уйланди, тўртта ўғил фарзандли бўлди. Ичмади, чекмади, иймон йўлини танлади. Ота-онаси ва умр йўлдоши Мастурахонлар билан ҳаж амалларини ҳам бажариб қайтишди.

Ана шу омадлар замирида Мустақиллик шарофати ётарди. Хусусий дўконлар очиш, чет элларга чиқиш ва у ёқлардан харидоргир моллар келтириб сотиш имконияти туғилиб, ана шу аснода тиниб-тинчимас, тадбиркор Равшан Отахонов ўз фаолиятини кенгайтиришга эришди.

Янги-янги савдо нуқталарини очиб, уларни энди фақат хориж маҳсулотлари билан эмас, балки ўз мамлакатимизда ва қолаверса, ўз ташаббуси билан Қўқонда тайёрлана бошлаган арзон, сифатли маҳсулотлар билан тўлдира бошлади.

Шу қаторда, шаҳар ичидаги қаровсиз қолиб кетган бир майдон ўрнида энг замонавий хизмат тури жорий қилинган ҳашаматли «Роланд форд» (машҳур «Роланд форд» фирмасининг Ўзбекистондаги акси, деган мақсадда, «Покиза таомлар» маъносини билдиради) ресторанини қуриб ошга солди.

Шунингдек, Қўқон ўйингоҳи қошида азим спорт иншоотини бунёд этиб, уни қимматбаҳо хориж анжомлари билан жиҳозлатди. Айни чоғда ана шу сиҳатгоҳда 200 нафардан зиёд ёшларимиз профессионал спорт турлари билан шуғулланиш имконига эга бўлишган.

Буларгина эмас, Равшан Отахонов бошлиқ «Роланд» фирмаси 16 та «Матиз» енгил автомашинаси сотиб олиб, хусусий таксопарк ҳам очди. Бугун улар Қўқон аҳолиси ва меҳмонларига муносиб тарзда хизмат кўрсатишмоқда. Булардан ташқари, у саховатпеша тадбиркор сифатида ҳам эл оғзига тушган. Масалан, Қўқондаги 120 нафар болалар тарбияланаётган 12-Меҳрибонлик уйини ўз оталиғига олган.

Элнинг дуосини олган кам бўлмас. Кечагина бир чимдим одам билиб-билмаган, оддийгина ва соддадил йигит Равшан Отахоновнинг номи бугун республикамиздагина эмас, балки Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва Туркия сингари бир қатор хорижий юртларда ҳам таниқли ўзбек ишбилармони сифатида тилга олина бошлагани, у бошлиқ фирма жамоасининг Қўқон шаҳрида янгиянги иш ўринларини яратиш, Истиқлолимиз равнақига, элу юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётгани ҳақида ҳар қанча сўзласак арзийди.

Солиҳ ҚАҲҲОРОВ, «Ҳуррият» мухбири. Ⓡ

Немис дипломати чиқариб юборилди

Эрон ҳукумати немис дипломатини мамлакатдан чиқариб юборди, дея хабар беради IRNA агентлиги. Эрон ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили Муҳаммад Али Ҳусайни мазкур ҳолатни дипломатнинг ўз мақомига номуносиб иш билан шуғулланган билан изоҳлаган. Ҳозирча Теҳрондан чиқиб кетган дипломат номи ошкор этилмади.

Германия ташқи ишлар вазирлиги ҳам ўз дипломатларидан бирининг ундан олдинроқ Эрондан чиқиб кетганини эътироф этган.

Ўтган йилнинг декабрида Der Spiegel нашри ядро тадқиқотлари дастури бўйича маълумот олишга уринган Эрон дипломати Д. Моҳрарамалай Германиядан чиқариб юборилгани ҳақида хабар тарқатганди. Немис нашри маълумотига кўра, Теҳрон дипломати Баварияда компаниялардан биридан уранни бойитиш учун фойдаланиш мумкин бўлган ускунани сотиб олишга уринган. Германия ташқи сиёсат маҳкамаси мазкур маълумотни тасдиқламаган.

Журналистлар учун хатарли йил

Ўтган 2007 йили дунё бўйича 86 нафар журналист хизмат вазифасини бажараётган чоғда ҳалок бўлган. Бу ҳақда "Чегара билмас мухбирлар" халқаро ташкилоти ўз тадқиқотини эълон қилган.

Эркинлик йўлида ўз жонини фидо қилган оммавий ахборот воситалари ходимларининг 48 нафари Яқин Шарқ ҳудудида, 17 нафари Осиёда, 12 нафари Африкада, икки нафари эса Европада ҳалок бўлган. Ўтган йилда Ироқ журналистлар учун энг хавфли мамлакат деб топилди. Ҳозирга қадар ҳарбий тўқнашувлар давом этаётган мамлакатда 47 нафар "тўртинчи ҳокимият" вакили қурбон бўлди.

"Чегара билмас мухбирлар" ташкилоти ўз ҳисоботида хизмат вазифаси туфайли қамоққа маҳкум этилган журналистлар хусусида ҳам ўз хулосаларини эълон қилди. Бунга кўра, Покистон (195 нафар), Куба (55), Эрон (54) мамлакатларида журналистларни ҳибсга олиш энг кўп қайд этилган.

Мазкур халқаро ташкилот томонидан 1994 йили энг кўп журналистлар қурбон бўлган йил сифатида баҳоланган. Ўша йили сайёрамиз миқёсида 103 нафар ОАВ ходими ҳалок бўлган.

Банкирлар барибир биринчи

Европа миқёсида офис майдонларини ижарага олиш борасида энг олдинги ўринни банкирлар эгаллайди.

Банк муассасалари томонидан кўҳна қитъанинг 15 мамлакатида ижарага олинган ер майдони 670 минг квадрат метрдан ошади. Cushman & Wakefield компанияси маълумотига кўра, бу ўтган йилнинг шу даврига қиёслаганда 10 фоиз юқори кўрсаткичдир.

2007 йилнинг сўнгги ойларида банклар Европа кўчмас мулкининг 13 фоизини ижарага олган. Европа бўйича ижарага берилган энг қиммат офисларнинг асосий қисми Лондон, Париж, Франкфурт, Брюссель ва Москва шаҳрида жойлашган. Фойдаланиш учун топширилган офисларнинг энг катта қисми Лондон шаҳрига (117,2 минг квадрат метр)-га тўғри келади.

Грецияда зилзила

Грециянинг Пелопоннес ярим оролида кучли зилзила рўй берди. Афина геодинамика институти ер силкиниши кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,5 бални ташкил этганини маълум қилган.



АҚШ геология хизмати эса зилзила кўрсаткичини 6,1 балл деб баҳолаган.

Табиий офат пайтида ўнлаб киши жароҳатланган. Лекин қурбонлар тўғрисида аниқ маълумотлар мавжуд эмас.

Зилзила маркази Пелопоннес ярим оролининг жанубий-шарқида — мамлакат пойтахти Афинадан 120 километр масофада жойлашган.

Ер силкинишлари Италиянинг жанубий ҳудудларида ҳам қайд этилган.

Хорватияда ҳарбий чақириқ бекор қилинди

Жорий йилнинг бошидан Хорватияда мажбурий ҳарбий хизмат бекор қилинди. Хорватия ҳукумати вакилининг маълум қилишича, мазкур чоратадбир мамлакатнинг 2008 йилнинг апрелидаёқ НАТО таркибига қабул қилиниши учун расмий таклиф олишга кўмак бериши мумкин.

Эндиликда хорват армиясида кўнгилли равишда қабул қилинган фуқаролар хизмат этишади. Мамлакат мудофаа вазирлиги бундан буён ҳарбийлик касбига талаб ошишини тахмин қиляпти. Дарвоқе, жорий йилдан бошлаб мамлакат армиясига аёллар ҳам жалб этилиши мумкин.

Аслида Хорватия парламенти бу борадаги қонун ҳужжатини 2007 йилнинг 4 октябрида қабул қилган эди. Дастлаб мамлакат қонунчилик идораси кўнгилли ҳарбий хизматга 2010 йилда ўтишни режалаштирган эди. Кейинроқ бу жараён мамлакат раҳбарияти томонидан тезлаштирилди.

Маълумотларга кўра, 2007 йили Хорватия армиясида 33 минг ҳарбий хизмат қилган.

ХАЛҚАРО ВОҚЕАЛАР

GLOBUS

INTERNATIONAL LIFE

Жонни Депп Сталин ролида

Miramax кинокомпанияси собиқ шўро давлатининг "доҳий"ларидан бири саналган Иосиф Сталин ҳақида бадиий фильм суратга олишни режалаштиряпти. Фильм британиялик тарихчи Саймон Себэг Монтефиори томонидан ёзилган "Ёш Сталин" асари асосида ишланади. Фильмда ёш Иосиф Виссарионович роли учун Голливуд юлдузи Жонни Депп танланди.

Инглиз тарихчиси Сталиннинг ёшлик даврига бағишланган асарни етти йил давомида ёзган. Мазкур асар устида ишлаш даврида муаллиф мингдан зиёд хатлар билан таниш чиққан, ойлар давомида рус архивида тадқиқотлар олиб борган.

Танганинг аккинчи томони

"Демократияни кўрсатма билан эмас, шахсий намуна орқали ташвиқ этган маъқул"

Сўнгги пайтларда дунё майдонида рўй бераётган зиддиятлар ва сиёсий можаролар демократия борасидаги мунозараларни яна ҳам кучайтирмоқда. Бунга эса ихтилофлар даврида демократия даъвосидаги давлатлар томонидан олиб борилаётган икки томонлама сиёсат сабаб бўлмоқда. Буюк Британиянинг "The Guardian" газетасида эълон қилинган қуйидаги мақолада ҳам ана шу мунозарали мавзуда сўз юритилган.

Бугун дунё миқёсида демократиянинг аҳволини ижобий баҳолаш қийин. 2008 йилнинг илк кунлариданоқ Черчиль томонидан "энг ёмон бошқарув, лекин инсоният ундан яхшисини ўйлаб топган эмас" деб баҳоланган демократия жиддий синовларга дуч келяпти: "халқ ҳокимияти" Покистонда ўлдириляпти, Кенияда эътиборсиз қолдириляпти, Ироқда портлатиляпти, яна айрим буюк давлатларда бўғиляпти ёки савдога қўйиляпти. Бу ўринда "демократия" деганда сиёсат аҳли айнан нимани назарда тутганини ҳам инобатга олиш керак.

Ўтган ҳафта дунё миқёсида содир бўлган турли ҳодисалар одатдаги каби хавотир билан қабул қилинди. Кенияда президент сайлови ортидан рўй берган тўқнашувлар, Покистон пойтахти Исломободда радиостанция ёпилиши, Москвада журналистнинг ўлдирилиши кескин муҳокама этилди.

Британия ҳукумати, гарчи мантиқсиздек туюлса ҳам, одатдаги каби айбдорларни "бармоқ билан кўрсатиш"дан ўзини тия олмади (Айни пайтда қирралиқда қизиқ сиёсий ҳолатни кўриш мумкин. Бир томонда торилар (консерваторлар) Британияни қайта қуриш ҳақида бонг уришяпти. Бош вазир Гордон Браунниг лейбористлар партияси эса дунё миқёсида ном чиқаришга уриняпти).

Ўтган йилнинг декабрида Британия ташқи ишлар вазири Дэвид Милибэнд Покистон бош вазири Шавкат Азизга расмий Лондон Исломободдан нималар кутаётганини аниқ-тиниқ тушунтирганди. Кейинроқ бош вазир Гордон Брауннинг ўзи президент Парвез Мушаррафга қўнғироқ қилиб, "демократик ислоҳотларни давом эттириш ва белгиланган сайловни ўз вақтида ўтказиш" зарурлиги ҳақида гапирди.

Сўнгра инглиз ҳукумати раҳбари демократия асосини ўрганишга муҳтож бўлиб турган Кения бошлиқлари билан боғланди. Уларни масъулият билан иш тутишга чақирди. Гап орасида, гўё бир замонлар каби Кения ҳали ҳам инглиз мустамлакасидек, дунё ҳамжамияти номидан мамлакатдаги турли сиёсий етакчилар билан музокаралар олиб боришини ҳам қистириб ўтди.

Агар Кения раҳбари ёки Парвез Мушаррафнинг ўрнида бошқа арбоб бўлганида борми, бу каби валинеъматона маслаҳатларни тинглагандан кейин, зудлик билан керакли жавобни берган, "оғиздан чиққанни ёқага ёпиштирган" бўларди. Айни пайтда инглиз бош вазирининг нуфузи кўнгилдагидек деб бўлмайди. Бунинг тасдиғи шуки, ўтган йилнинг октябрида Гордон Браун демократик сайловда ўз мандатини йўқотишдан қўрқаётганини билдириб қўйди. Бундан ташқари, Браун томонидан хориж фуқароларини текшириш бўйича таклиф этилаётган биометрик тизим ҳам айбсизлик презумпциясига зид деб баҳоланмоқда.

Таҳлилчилар Гордон Браунниг наркотикага қарши кураш сиёсатини ҳам қораламоқдалар. Уларнинг таъкидлашларича, бош вазирнинг бу борадаги хотиржам сиёсати сабабли дунё миқёсида героин нархи кескин ошиб кетяпти, бу эса Беназир Бхуттога қарши суиқасд каби терактларнинг кучайишига сабаб бўляпти.

Халқ томонидан сайланган арбобларни муҳофаза қилиш масаласига келганда, Ироқнинг инглизлар назоратида бўлган жанубий ҳудудидаги аҳволни эслаш кифоя. Дарвоқе, Британия аскарлари томонидан Афғонистон ёки Ироқда олиб борилаётган урушнинг демократия билан умумийлиги йўқ. Агар умумийлик бор бўлса, уни Писарра қўшини томонидан Перу мамлакатининг босиб олинишидан зиёд деб бўлмайди.

Демократия ҳамма даврда ҳам мукаммал бўлган эмас. "Ўз-ўзини идора этиш" тушунчаси Афина агораларидан чиқиб, дунёга ёйилган пайтдан бошлаб, турфа халқ ва мамлакатлар ҳаётига мослашиб борди. Демократик институтлар Мэдисон, Милл ва де Токвилнинг ғояларидан ҳам кўра маълум мамлакатнинг тарихи, маданияти ва анъаналарига боғлиқ. Масалан, Покистон халқ партиясининг раҳбари ким бўлиши демократик жараёнларда эмас, ворислик анъанаси асосида ҳал этилди.

Осиё ва Африканинг аксарият демократик давлатларида сайлов тамойили сиёсий қотилликлар, коррупция ва ҳокимиятнинг меросхўрга ўтиши туфайли чекланади. Қизиқ томони, шундай ҳолатда ҳам улар демократик давлатлар деб тан олинаверади.

Сиёсатшунослик бўйича таҳсил олаётган талабаларга семинарларда давлатни демократик деб эътироф этиш учун зарур бўлган талаблар ўргатилади. Бу ўринда мамлакатда ошкора ва адолатли сайловлар ўтказилиши, бу жараёнда фуқароларнинг ҳокимиятни ўзи истаган шахсга топшира олиши, қонун устуворлиги, сўз ва матбуот эркинлиги мавжудлиги, демократик институтларнинг нечоғли фаолият юритиши инобатга олинади. Лекин ҳокимият тепасида бўлган сиёсий гуруҳлар ўз манфаатидан келиб чиқиб, у ёки бу тамойилга устувор ўрин берадиган шароитда мазкур талаблар ҳам демократиянинг мавжудлигини англатмайди.

Покистон ва Кенияда содир бўлган сўнгги ҳодисалардан кейин ҳам Ғарб томонидан бутун дунё халқ ҳокимияти тамойилига риоя этмоғининг талаб этилиши мантиқсизлик бўлар эди. Либерал демократияни ягона тўғри йўл деб эълон қилиш билан Россия ва Хитой ўртасидаги яхлит иттифоқни парчалаб бўлмайди. Бошқа мамлакатлар каби улар ҳам хавфсизлик ва фаровонликни биринчи ўринга қўйишади.

Давлат учун энг маъқул бошқарув йўли қайси деган масалада Ғарб томонидан демократия сабоғи берилиши ҳам мунозарали. Нега деганда, мазкур давлатлардаги сиёсий муҳитни Ғарбнинг ўзи турли молиявий ёрдамлар, қарзлар, савдо чекловлари ва чегара можаролари билан "лойқалаштирган".

Балки бугунги кунда Покистон ва Кенияда демократия азият чекаётгандир. Лекин Ғарб давлатларининг ўзида ҳам у коррупция туфайли тўсиққа учраяпти. Сайлов пайтида партияларнинг олдиндан тузилган рўйхати ғалаба қозониши, сайловчилар ҳайъати деб аталган тизимнинг амал қилиши, ижроия ҳокимияти ваколатининг чегараланган... Шу боис, айни пайтда Британия ёки АҚШнинг маълум сонли фуқаролари ўз конституциялари демократия идеалига тўғри келмаслиги важидан танқидий фикрдалар. Масалан, Америкада ўтган 2000 йилги президент сайлови пайтида умумий натижани сайловчилар овози эмас, танланган олигархлардан ташкил топган ҳайъатнинг қарори ҳал этди.

Демократия — жамият барқарорлиги ва гуллаб-яшнаши йўлида самарали йўл. Вақт ва тажриба синовидан ўтган демократик тамойиллар эса инсоннинг ҳурликка интилиши билан бевосита боғлиқ. Покистон аҳолиси сони бўйича дунёда олтинчи ўринда туради. Бу ерда демократиянинг мўртлиги яқин ўтмиш фожиалари ва қашшоқлик оқибати дейиш мумкин. Мамлакатни диктатурадан демократия сари етаклаш учун турли йўллар мавжуд. Айтиш керакки, бу йўлни Британия икки асрлик муддат ичида кичик қадамлар билан босиб ўтган. Барибир бир кунмас-бир кун Покистон ва Кения ҳам қудратга эга бўлади. Муҳими шундаки, мамлакатлар шу йўлдаги босқичларни мустақил босиб ўтишлари керак, деган хулосани бутун дунё сиёсатдонлари илгари суришмоқда.

С. КАМОЛ тайёрлади

Тафсилот

2008-yil 9-yanvar | Mustaqil gazeta HURRIYAT O'zingni angla!

Муносабат

Филология фанлар номзоди, доцент Машариф Сафаров "XII асрда яратилган "Муқаддамат –ул-адаб" ўзбек тили ёдгорлиги ҳисобланади" деган каминанинг фикрига қарши чиқиб, ўзининг "Ёзма ёдгорликлар яхлит бойлигимиз" («Ҳуррият» 2007 йил 19 декабрь №51 сон) мақоласида шундай ёзади: "Ўзбек тилида ёзилган асарлар XIV асрдан, яъни умумхалқ ўзбек адабий тили пайдо бўлганидан кейин вужудга келди. Ундан олдин яратилган асарлар эса туркий тилга (қадимги ёки эски туркий тилга оид ҳисобланади. Бундай қараш бутун туркологлар томонидан тан олинган. XII асрда яратилган "Муқаддамат –ул-адаб" эски туркий тилга оид ёдгорликдир".

«Муқаддамат – ул-адаб» қайси туркий тилда ёзилган?



Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан Хоразмда алломага бағишланган конференцияда қатнашган олимлар якдиллик билан Бухорода ўқиб, Отсиз Хоразмшоҳ даврида котиблик қилган Маҳмуд Замахшарийни хоразмлик ўзбек, у яратган "Муқаддамат – ул-адаб"ни ўзбек тилининг ноёб ёдгорлиги деб эътироф этилган бир пайтда доцент М. Сафаров "Муқаддамат – ул-адаб"ни – туркий ёдгорлик деб турса-я! Ахир, Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туб ўзбекларнинг отабоболари яшаганми ё бошқа туркий халқлар умргузаронлик қилишганми? Хоразмда — ўзбекларнинг юртида битилган ёдгорликнинг бошқа туркий халқларга қандай алоқаси бор экан?!

Энди шу ўринда бир нарсани ойдинлаштириб олайлик: туркий ёдгорлик дегани нима ўзи? Дунёда йигирмадан ортиқ туркий тил бор: ўзбек, қирғиз, уйғур, қозоқ, татар, озор, ёқут, бошқирд ва бошқа. Хўш, "Муқаддамат – ул-адаб" қайси туркий тилда ёзилган? Шуни баралла айта оламизки, бу асар ўзбек тили ёдгорлиги ҳисобланади. Исбот учун икки мисол билан чекланамиз. Ўзбек адабий тили ва унинг шеваларида Худо, Аллоҳ маъносида Тангри, Тенгри сўзи ишлатилади. Бу сўз "Муқаддамат –ул-адаб" нинг 398-саҳифасида ҳам худди шундай шаклда учрайди: йанди тенгригатангрига тавба қилди. Озор ва турклар бу сўзни танри, ёқутлар тангара, қозоқ ва қорақалпоқлар тенгир, қирғизлар тенгири, татарлар тангре шаклида ишлатадилар. Луғатда бўрининг маънодоши қурт сўзи ҳам учрайди (196 а бет.). Озорларда бу сўз ғурд, туркларда курт, туркманларда ғурт шаклида учрайди. Бу мисол ҳам "Муқаддамат – ул-адаб" ўзбек тилига оидлигини кўрсатади. Мен яна Марғилонда Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзонинг марғилонлик Мирсаид Аҳмадга 1469 йили уйғур хатида битилган ёрлиғини ҳам ўзбек тилига оидлигини таъкидлаганман. Гапимнинг исботи учун ёрлиқнинг боши: *"Султон Умаршайх баҳодир сўзим" ва охиридаги жумлани келтираман: "мухурлик нишон уй(сигир) йил шаввал ойининг йигирма саккизи Андаган (Андижон)да битулди".* М. Сафаров бу фикримга ҳам эътироз билдиради. *Умаршайх ахир, ўзбек-ку! Бобур қайси халқнинг шоир ва саркардаси? Менимча, ҳеч бир ёдгорлик "туркий" деган умумий ном билан аталиши жоиз эмас. Ҳар бир ёдгорликда у ёки бу тилга тегишли фонетик, лексик, фразеологик, морфологик белгилар устувор бўлади. Ана шу устувор белгилар асосида улар у ёки бу тилга оид бўлади. Туркий, умумтуркий деган ном умумий тушунчалардир. Хуллас, "Муқаддамат – ул-адаб"ни туркий ёдгорлик деб аташ ўрнига биз баралла уни ўзбек халқининг бебаҳо ёдгорликларидан биридир", десак хато бўлмайди. Афсуски, айрим олимларимиз қадимий қўлёзмаларни аслиятдан ўқий олмасдан ҳамон баъзи эски туркшуносларининг нотўғри фикрларини қайтариб келмоқдалар.*

Эргаш УМАРОВ,
филология фанлари доктори.

Турмуш чорраҳаларида

«Ошимни ширин қилган...»

Сулув қизларимиз ва лобар келинчакларимиз эрта тонгдан кўчаларга сув сепиб-супуришлари ўзбекона қадриятларимиздан. Кейинги вақтларда бу одат бироз ўзгаргандай.

Баъзан хотин-қизларимиз эрталаб сўфи азон чақирмасдан ўзларидан ҳам катта бўлган сумкаларни елкаларига ортиб, бозорга чопишади. Эҳтимол, эри ҳали маст уйқудадир ёки аёлининг тижоратига барака тилаб кўча эшик ортидан кузатиб қўйишган бўлади.

Шундай эпчил ва ишбилармон аёлларимиздан бири савдо-сотиқдан ҳориб уйга келса, эр эшик олдида, қўлида супурги:

– Келдингизми, онаси, – деб кутиб олади.

– Ҳа, ўзингиз ҳам зерикмасдан ўтирибсизми? – дея хотини сўраса.

– Зерикиш қайда, бу уй деганининг иши тугайдими? Эрталабдан болаларни мактаб, боғчага кузатаман. Ит тинади-я, лекин менда тиним йўқ, дермиш.

– Э, сизга аравани қуруқ олиб қочиш бўлса. Гапни кўпайтирманг-да, овқатингиз тайёр бўлса олиб кела қолинг, – деганича хотин ўзини юмшоқ ўриндиққа ташлайди. Эр бўлмиш шўр пешона эса ош сузиб келтирганча хотинининг олдида чойни қайтариб ўтиради.

Ошдан бир-икки ошам олгач, аёл юзларини буриштириб:

– Овқатингизда маза-матраса йўқ-ку! – дейди. Эр ҳам бўш келадиганлардан эмас:

– Ошимни ширин қилган онасининг олиб келган гўшт-ёғи, уч кундан бери бир кило гўштни учма-уч етказаяпман, – деганича таъна қилиб қўяди.

Биз эса «Э, тўхтанг, тўхтанг, эшик олдида ким-кимни кутиб олиши керагу, гўшт-ёғни уйга ким кўтариб келиши керак?» дея эътироз билдириб, орамизда кўп бўлмаса ҳам айрим «оилапарвар» эркакларга қарата юзингизга қизил югурган бўлса, «уйда ошингиз ширин экан», деймиз-да.

Севги изҳори

Ишдан чарчаб келган эр жуфти ҳалолига:

– Аяси, ўзингиздай ширин қилиб ширгуруч қилинг, – деди. Хотини бўлса унга:

– Мен аччиқман, – деди ҳўмрайиб.

– Ундай бўлса аччиққина мастава, – деди эр ҳам бўш келмай. Лекин кечки овқатга эркак шўрлик ширин ҳам эмас, аччиқ ҳам эмас аксинча, шўр овқат еди. Эссиз шундай кишининг пешонаси шўр экан дерсиз? Йўқ сиз янглишасиз. У бахтли эр. Чунки уни хотини жонидан ортиқ севади. Шу боис овқатнинг тузини ўткирроқ қилиб, эрини ўртанмаган юрагини ўртантиради. Овқатнинг шўри – муҳаббатнинг зўри эканлигига ишонаверинг.

Шавла кетса кетсин...

Райимбой фермер бўлди-ю, егани олдида, емагани кетида. Бир қарасангиз «Нексия» минган, яна бир қарасангиз «Ласетти»да кўчани чангитиб ўтиб кетган бўлади. Тошкентдаги фермерлар йиғилишига ҳам башанг кийиниб, янги мойи артилмаган енгил машинасида борди. Тамаддини пойтахтнинг анча-мунча жойида эмас, балки манаман деган ресторанида қилишни маъқул кўрди. Салкам икки метрлик қора танли негрни ортида гардеробдан устки кийимини олаётган Райимбой уни 200 сўм бериб, гардеробчи аёлга – «Сдачи не надо» деганини эшитиб қолди. Райимбойнинг ҳам деҳқонча тантилиги тутиб қолди. Гардеробчи аёлга 1000 сўм берди-да:

– Сдачи не надо, пальто тоже не надо, шапку тоже не надо, – деб юборди.

Анваржон ҲАЛИМОВ

Назм

Олисларда ёришган шуъла

Орамизда сирли кўприк бор,
Олиб борар қалбларга бу йўл.
Намозшомгул биздан хабар ол,
Юраккинам хижронларга кўн.
Гарчи бизнинг юк-дардлар оғир,
Лек кўтарар кўприк бузилмас.
Биз боғлаган ипсиз риштани,
Хоҳламасак ҳеч ким узолмас.
Бу йўлдан гоҳ кўтариб ғамни
Гоҳ шодликни тошиб ўтяпмиз.
Жуда-жуда чўзилди фироқ
Бу йўлдан бир хабар кутяпмиз.
Эркагина умидларимиз
Толиб борар мадори қолмай.
Эгилмоқда метин бу кўприк,
Соғинчларни кўтара олмай.
Орамизда сирли кўприк бор...

* * *

Ўксик деразамдан ой боқар маъюс,
Бир хабар бермоқда юрак хатардан.
Сангдил дарвозалар очолмас ҳануз,
Озорлар беради соғинч атайдан.
Қарғалар келади хазонни бошлаб,
Дилларга тушади айрилиқ ваҳми.
Кетаман энг гўзал кунларга ташлаб,
Сизни севганлигим – оғир гуноҳни.
Сиз кетган йўлларнинг бошлари нигун,
Тиларман бир дийдор маъшуфингиздан.
Мен хижрон илкида сўлаётган гул,
Тирилиб кетардим ташрифингиздан.

* * *

Бу боғларга куз келди яна,
Учларидан сарғайди дарахт.
Бир сесканди зангор қушчалар,
Айриликдан топтилар дарак.
Ялтоқланди мағрур бу боғлар,
Титрадилар ранглари ўчиб.
Попуглари пасайган шохлар,
Шамолларда мудрайди нечун?
Мажнунтоллар тўлғонар куюб,
Қўшиқлари сўнгга етганди.
Аламлари кўнгилига тугик –
Ҳукмронлик Кузга ўтганди.

* * *

Музлар эрир нигоҳингизда,
Мажнунтоллар айлайди таъзим.
Тошлар гуллар сиёқингизда,
Сиздан қочмоқ гуноҳи азим.
Агар юрак ёрсангиз ҳар дил,
Кўндиради кўнгилларини.
Тилингизга қўнсайди журъат
Тақар сизга тонг гулларини.
Йўқотишдан зада юрагим,
Кўзларимда тутаман гулоб.
Мен томонга қадам ташлашга
Етишмайди сизда нима, оҳ!

* * *

Сизни бугун чорлайди бетин,
Олисларда ёришган шуъла.
Сиз кўнглимга қарамай ўтинг,
Кўнгил – йиғлоқи бир ашула.
Сизни ҳеч ким қололмас ушлаб,
Сиз ўзга бир булоққа ташна.
Менга қора кунларни ташлаб
Бораяпсиз, мен кулфатга ошно.
Бошқа йўл йўқ орзулар томон,
Кўприкдирман, мендан ўтасиз.
Пойингизга тўшалган хазон,
Юрагимни босиб кетасиз.

ЎКТАМОЙ

Сен менинг ўзимга ўхшаган ишқсан...

Қор қўшиғи

Танидим, кафтимга қўнган заҳотинг,
Сен ўша шодликсан, сен ўша кулгу.
Сен кўнгил кўкида унган умидим.
Сен кўнгил тубига қулаган қайғу.

Сен ўша соғинчсан, мастона кўзли,
Оққушлар ҳақида айтилган эртак.
Сен маъсум дардларнинг мангу қўшиғи,
Осмоннинг кўзига сиғмаган юрак.

Сен ўша кўзларга ин қурган ёғду,
Бахт тўла манзилга учаётган қуш.
Кўнглимда яралган бокира туйғу,
Кўҳна эртагини қучаётган қуш.

Сен менинг жимгина сурар хаёлим,
Изҳори кўнглингда сокин ошиқсан.
Йиғидан қизарган кўзлари оппоқ,
Сен менинг ўзимга ўхшаган ишқсан.

* * *

Мангу яшасайдим ғамларинг каби,
Соғинч инграб ётган қирқта жонингда.
Мен каби жилмайиб қўлимдан тутсанг,
Азоблар гуллаган хиёбонингда.

Сўнг кетсак иккимиз кутмай фурсатни,
Дунёнинг ичига қуёшдай ботиб.
Ўйнасак, ғуссалар қолса саргардон,
Ишқнинг кўзларига оловлар отиб.

Кунлардан қизғаниб киприкларимни,
Лабларинг-ла, қўйсанг беркитиб.
Фақат ўтинаман ширин тушимдан,
Кетма қўлларингни аста силкитиб.

Кетма. Кетсанг оёқларингга,
Кўзларимни тикиб қўяман.
Истиқомат қилар исминг лабимда,
Куйсам, фақат сен деб куярман.

Мангу яшасайдим...

* * *

Бир кун сен учун яшадим сенсиз,
Унут манзилларга қайтишинг кутиб,
Кўзларимдан оққан минг йиллик ёшни,
Ишон, дақиқалар юборди ютиб.

Ишон, юрагингга етиб олай деб,
Югура-югура чарчадим, толдим.
Дунё ёлғонларга кўмган қалбингда,
Наҳот мен, эски бир таниш бўб қолдим.

Наҳот, гумонларга алмащдинг мени,
Юракда бошланди қиёмат қойим.
Ғамни кўзларимга сайладинг ҳоким,
Айт, қайси гуноҳим учун худойим.

Минг йил яшамоқни орзулаб туриб:
Лаб тегмаган майдек тўкилсам.
Наҳот бева ишқдан туғилиб,
Ўргимчак тўрига қоқилиб ўлсам.
Ёлворай...
Ўғирлаб олгинда мени азобдан,
Шаробзорга тезроқ олиб бор.
Мен сен учун яшай абадий,
Мени кўзларингга чўктириб юбор.

* * *

Ўзим ўзимдан чарчадим,
Ўзим ўзимдан тўйдим.
Тупроққа беланиб ётиб,
Исмимни Осмон қўйдим.

Дунё мендан зерикди,
Мен дунёдан зерикдим.
Юрагим армонга болиш,
Мен меҳрингга ичикдим.

Ўз-ўзимдан қолди кўнглим,
Қисматим сочлари тўзиди.
Руҳим ҳали ўлмасдан туриб,
Шамоллар жаноза ўқиди.

Мен кузакка ўхшаб қолдим,
Кўкламлар менга ўхшайди.
Гоҳи унсиз йиғласа юрак,
Куйига хазонлар ўйнайди.

Мен тунга дилбанд эдим,
Сен кунга етмоқчийдинг.
Мен сени тарк этдим шу он,
Сен қачон кетмоқчийдинг?!

Наима АБДУРАҲМОНОВА

Ҳа-ёт!

Аёл бахти... кўчада эмас

Тириклик дегани аёл эмасми? Унинг алласидан етмиш икки томиримизда Ватан деган улуғ сўз уйғонса, ақл-заковатидан, назокати ва ҳаёсидан миллат тарбияланади.

Ҳазрат Пайғамбаримиз: "Агар одам одамга сажда қилиб, сиғиниш жоиз бўлганда мен фарзандларни ўз оналарига сажда қилишга, аёлларни эса ўз эрларига сажда қилишга буюрган бўлур эдим" деганлар муборак ҳадисларида. Аёлнинг бу қадар улуғланиши унинг эътиқоди, диёнати, ахлоқ-одоби, ҳалоллигидадир.

Бугун одамлар орасида қачондан бошлаб "мардикор аёл" деган ибора муомалага кирди. Бу сўз қулоққа чалинганида уйрўзғор, бола-чақа, бозор-ўчар юкини нозик елкаларига ортмоқлаб кетаётган ожизаю муштипар кўз ўнгимизда гавдаланади. Яна аёл бозорга чиқадими ёки йўқми, деган муаммолар ҳақида ҳам тўхталаверамиз. Бироқ, баъзи соғлом, бақувват эркаклар сояда ётиб аёлини бозорга чиқариб қўйиши – бу ташвишга соладиган ҳолат. Шундай эмасми?

...Куни кеча Чорсу бозорига харид қилиш асносида йўлим тушди. Бозорнинг автомобиллар тўхташ шоҳобчасига тўхтаган машинанинг олдига югуриб бориб "Нима хизмат бўлса, биз тайёрмиз", дея жавраб турган беш-олти нафар мардикор аёлларга дуч келдим. Салом-аликдан сўнг мижози билан савдоси келишмаган аёллар билан танишиш мақсадида гап бошладим:

– Ҳорманглар, иш излаяпсизларми дейман, дея суҳбатга чорлаган бўлдим уларни. Мана шу тирикчилик билан қанча пул топасизлар?

– Кунига 10-15 минг сўм ишлаймиз. Бу дегани бир ойга 300 минг сўмдан ортиб кетади, – дея саволимга жавоб берди аёллардан бири.

– Совуқни-совуқ, иссиқни-иссиқ демай эртадан кечгача бозорда бўлсангиз. Рўзғор юмушлари, фарзандлар тарбияси билан ким шуғулланади, дедим ҳайратланиб.

– ...

Ўртада оғир сукунат чўкди.

– ...Кўпроқ нима иш билан шуғулланасизлар?

– Масалан, дейлик, – деди мен билан баҳсга киришган ўзини асли Андижонданман дея таништирган Азизахон. – Нима иш бўлса ҳам бажариб кетаверамиз. Бизга пулини яхши тўлашса бўлгани. Айниқса, тўй мавсумида бозоримиз қайнайди. Давлат идорасида эртадан-кечгача ўтириб топган бир ойлик маошимни бозорда омад чопса бир кунда ҳам ишлашим мумкин. Лекин бизга ўхшаганларга осон тутманг. Баъзан иш жараёнида ҳар хил вазиятдан чиқиб кетишга тўғри келади. Сизга бир воқеани гапириб берсам. Яқинда мени Қорасарой даҳасига тўйга олиб кетишди. Яхши хизмат қилганим учун сарпо ҳам беришди. Тўйнинг эртаси куни эса ўша мижозим келиб мени "Хизмат бор", дея яна олиб кетди. Авval бошда мен ҳайрон бўлдим. Тўйхонага киргач, тўй эгаси келини ўрнига келин салом қилишимни тайинлади. Ташриф буюрган меҳмонларга келин салом бераётган пайтимда келиннинг ўрнига мен чиққанлигимни маҳалла маслаҳатчиси сезиб қолди. Даврада шов-шув кўтарилиб, жанжалга айланди. Ўшанда тўйхонадан "иш ҳақим"ни ҳам ололмай, маломатдан аранг қочиб қутилганман, – дейди ҳасратидан чанг чиқиб Азизахон.

Эътиборимни тортган аёллардан яна бири наманганлик Мақсуда опа бўлди. У ҳам бошидан кечирган ташвишларини баён этди.

– Мардикор бозорига чиқа бошлаганимга ҳали унчалик ҳам кўп бўлгани йўқ. Қизим олий ўқув юртларининг бирида контрактда ўқийди. Қизимнинг ўқишига пул топиб бериш мақсадида мардикорлик қилаяпман. Унинг дугоналари кўриб қолмасин, деб кўпинча бозорга кечга яқин чиқаман. Қизим ҳам ёрдам бериб туради. Совуқда тураверіб, касалга чалиндим. Қизимнинг ўқиши битгач, қишлоққа қайтиб кетмоқчиман, – дейди Мақсуда опа кўзларига алланечук изтироб чўкиб.

Даврада гап қизигандан қизиб борар, аёллар бошидан кечирган кечинмаларини, бажарган ишларини гоҳ аламли, гоҳо ҳангома билан сўзлаб беришарди. Мени эса беихтиёр яна мардикор аёлларнинг қисмати ўйлантирди. Бу билан аёл боласини қўлтиқлаб, тўрт девор уйда ўтирсин деган фикрдан йироқмиз. Мустақиллигимиз шарофати билан амалга оширилаётган барча қутлуғ ишлар аёлларни жамиятда ўз ўрнини топиши учун имкон яратмоқда. Миллий ҳунармандчилик ривожланиб боряпти. Аёл эрки даҳлсиз, бироқ, бозорда мардикорлик қилаётган аёлларимиз момоларимиздан мерос бўлиб қолган каштачилик, зардўзлик, тикувчилик ҳунарларини ўргансалар ҳам оиласига, ҳам эл-юрт равнақига ҳиссаси қўшилади.

Шу ўринда аёл турмушнинг қули эмас, балки жамиятнинг гули бўлиб соғлом фарзандларни дунёга келтириб, ўз илми, истеъдоди, меҳнатининг ҳамма кўринишлари билан Ватанга ниҳоятда зарур эканлигини юракдан ҳис этиб яшашларини истардим. Зеро, аёл – кимнингдир волидаси, кимнингдир ёри, яна кимнингдир мунис синглиси. Нима бўлганда ҳам аёлнинг бахти кўчада эмас, оиласида эканлигини унутмаслигини хоҳлардим.

Дунё ЗОДА,
журналист.

Гуллар яйраб кулишди...

Феруза ҳали ёш. Унинг шеърлари – ҳайратларию орзулари ўз ёшига яраша. Зотан, минг чақиримлик йўл ҳам биринчи қадамдан бошланади. Шуни инобатга олиб, газетамизда унинг айрим машқларини чоп этмоқдамиз.

Ватан

Ватан меҳрин ватангадолардан сўранг,
Юртдан айри қалби адолардан сўранг.
Шодлиги изтиробдир, соғинчи дунё қадар,
Ватанни меҳроб дерлар, ундан
жудолардан сўранг.

Юртинг тинч бўлмаса, ёркинлик қайда?
Баҳорий насимлар, эпкинлик қайда?
Қушлар хандасига тўлган боғлару
Тоғлар бағридаги сокинлик қайда?

Ватан, бешигимиз тебратган ўзинг,
Мурувват зиёсин таратган ўзинг.
Сени севмоқликни имон иши дер,
Мен учун азиздир ушоғу тузинг!

* * *

Куни кеча гулзорда,
Бўлди ажиб ҳангома.
Гуллар яйраб кулишди,
Лабидан шаккар тома.

«Кимнинг иси энг хушбўй?»
Деб гап бошлади лола.
«Кўп ўзингни мақтама,
Сенда ҳид борми, ол-а!» –
Шундай дея керилиб,
Сўз отига минди гул.
Унутиб ҳидсизлигин,
Лоф бошлади чинни гул.

Ҳайрон бўлманг, болалар,
Албатта, бу – ҳазил шеър.
Ҳамма ўзин мақтайди,
«Осмондаги ойман!» дер.

Қиссадан ҳисса шулки,
Йўқ нарсага мақтансанг,
Ҳаммага бўлиб кулги,
Ҳолинг бўлар жуда танг!

Феруза АҲМЕДОВА,
Шаҳрисабз туманидаги
34-мактабнинг
9-синф ўқувчиси.

Буни ҳаёт дейдилар

Дўппи афзалми ёки беретка?

Бир биродарим бор. Гоҳ-гоҳида ўзига меҳр қўйган биродарининг арзимас майда-чуйда нарсаларни деб "девор суятиб" кетишини ҳисобга олмасак, ўзи очиқкўнгил одам. Бир замонлар ҳаммамиз ҳам-ку шундай эдик, бироқ бу муҳтарам зот ўзини чинакам байналмилал даҳолар каби тутади. Қачон қараманг, бошида ёртиқалпоқ (беретка)! Дўппи ёки қиррали шапка, ё бўлмаса соябони кенгроқ шляпа кийишни маслаҳат берсанг, балога қоласан. "Ўзингизнинг бошингизга хўжайинлик қилинг, меники билан ишингиз бўлмасин", дейди дангалига. Кунларнинг бирида устозни телестудияга (камина ўша чоғлар телевидениеда ишлар эдим) давра суҳбатига таклиф қилсам, "Бир шартимга кўнсангиз бораман. Йўқса керакмас!" деди.

— Айтинг-чи шартингизни, агар қўлимиздан келса...

— Сизларда эркинлик деган нарсанинг ўзи йўқ. Россиялик тележурналистлардан ўрнак олсаларинг бўлмайдими? Мана масалан, студияда бемалол ёнбошлаб чекиб мулоқот қилишга рухсат бермайсизлар. Ана НТВними, ОРТними, РТРни кўрасанми, марҳамат, ёзувчилар гуруллаган гулхан ёнида трубка чекиб, тутунини бурқситиб тўрвадек соқолларини тутамлаб, салмоқлаб-салмоқлаб гапирадилар. Сизлар эса бош қичиганда қашисак ҳам, бехосдан акса урсак ҳам-"стоп!", "стоп!" деб ўшқирасизлар. Бунақада "илҳом париси" учиб кетадику, дейди.

Хуллас, устоз билан гулхан ва папирос масаласида келиша олмадик. Ҳа дарвоқе, яна ёрти қалпоқ "масаласи" ҳам чала қолди. Бундан бир йил бурун уни студияга таклиф этгандим. Ўша азиз бошларига қия қўндирилган беретка (ёртиқалпоқ) яна машмашага сабабчи бўлди. Лола исмли инжиқроқ режиссёр қизимиз "Амаки, иложи бўлса бош кийимингизни ечиб қўйсангиз" деганида устоз: "Асло! Яхшиси студиядан чиқиб кета қолай. Запись-писларингизни менга кераги йўқ! Шуни яхши билиб қўйингларки, мусулмончилигимизда бош кийимсиз ўтирилмайди!" деди кескин оҳангда.

Режиссёри тушмагур гапдан қоладиганлардан хилидан эмасди: "Ахир бу сизларнинг миллий бош кийимингиз эмас-ку!" деб балонинг тагида қолди. Биродарим шартта ўрнидан турди-ю ҳай-ҳайлашимизга парво ҳам қилмай студиядан чиқиб кетди...

Беретка (ёртиқалпоқ) ва устоз билан боғлиқ тағин бир мухтасар ҳангома: бу одам Ўзбекистон халқ рассоми, раҳматли Рўзи Чориев билан гўё ота-боладек қадрдон эди. Буюк мусаввирнинг гузари қачон киндик қони томган манзил маконига оғса, уни ўзгача эҳтиром ила кутиб олар ва машинасида олиб юрарди. Рўзи оға ҳам уни гўё ўз инисидек кўрарди. Рўзи оға ўшандай ташрифларидан бирида унга "Ленинграддан совға" дея тўқ кулранг беретка ҳадя қилади. Устоз ҳам уни "Рўзи оғанинг совғаси" дея узоқ вақт кийиб юради. Онда-сонда кўзларига тўтиё этиб сурарди. Келгуси йили меҳмонга келган Рўзи оға инисининг бошида "табаррук" бўлиб турган беретканга ишора этганча узрхоҳлик қилади:

– Извини, я забыл тебе сказать, что, это берётка была женская...

Хуллас, азиз меҳмон ўз эътирозини шундай изоҳлайди. Яъни бу савил ёртиқалпоқ (беретка)нинг аёлча ёки эркакчасини ажратиш бир қадар мушкул иш. Баланд томони чапда бўлса — аёлларники, ўнгда бўлса эркакларники, ёки аксинча эмиш.

Алқисса, бу ёртиқалпоқдан кўра, ўзимизнинг бобоки дўппию каллапўшларнинг ўлса ўлиги ортиқ. Қайси томонини кийсанг ҳам "мужский" бўлиб тураверади. Афсуски, буни "байналмилал устоз"га уқтириб бўлмайди. "Ўзингизнинг бошингиз билан бўлинг..." деб жеркиб ташлайди. Начора, чидаймиз-да.

Иқбол ТАНГРИБЕРДИ

Мутолаа

Дилхирож туйғулар

Тезкор замонда йиллар ҳам тез ўтаркан. Мана, дўппини бир айлантиргунча йил ҳам ўтиб бормоқда. Одатга кўра бу паллада қилинган ишлар сарҳисоб этилади, яна янги орзу умидлар хаёли билан яшай бошлаймиз. Биз орзуманд халқмиз. Орзумиз – ягона илинжимиз... Заҳматкаш халқнинг вакили бўлмиш ижодкорнинг беором қалбида эса ўз халқининг орзу умидлари, армонлари, ташвишу қувончлари акс этиши табиийдир.



Таниқли шоир, публицист Абдунаби Бойқўзиев бу йил баракали ижод қилди. "Ғуборингни ёзгайман", "Жудолиғ дашти" каби шеърий тўпламлари билан танилган шоирнинг кетма-кет "Кўзлари дарёйим-ай" шеърлар тўплами ва "Дилхирож туйғулар" насрий китоби эълон қилинди.

Мен муаллифнинг кейинги асари ҳақида фикр юритмоқчиман. Яширишнинг ҳожати йўқ, китобхонлик, мутолаа маданияти андак сусайган ҳозирги замонда ижодкорларнинг ўзлари бир-бирининг китобини ҳам кам ўқишади. Самарқандлик куюнчак ёзувчи Нусрат Раҳмат бир мақоласида китоб ўқимайдиган ўз ҳамкасблари ҳақида "Китобимни дастхат билан совға қилганим — меҳнатимни ҳеч бўлмаса сен эътироф этиб қўйгин, эй галварс деганимдир!" — дея куюнчаклик билан ёзган эди.

Камина Абдунабининг дастхат билан совға қилган китобини варақлаётиб илк саҳифалариданоқ бу асарни шунчаки юзаки, "чўқиб-чўқиб" ўқиб бўлмаслигини сездим. Бошим билан мутолаага шўнғиб кетганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим. Бу жиҳатдан асар устоз Абдулла Қаҳҳорнинг "Китоб шавқ билан ўқилиши керак" деган жуда оддий ва адолатли талабига тўла-тўкис жавоб берар эди. Айни чоғда китобнинг ажабтовур номи диққатимни жалб этди: қизиқ, нега энди "Дилхирож туйғулар"?..

Эринмай луғатни варақлайман. Дилхирож — ўзбек куйларидан бирининг номи бўлиб, қалбни тирновчи, юракни эзувчи деган маънони билдираркан. Китобни тўлиқ ўқиб чиққач, бу номнинг узукка кўз қўйилгандек, ниҳоятда топиб қўйилганига ишонч ҳосил қилдим. Дарҳақиқат, муаллиф ўзини тўлқинлантирган, кўнглига тинчлик бермай келаётган ва ёзмаса бўлмайдиган мавзуларга куйиб-пишиб, ёниб муносабат билдиради ва ўзининг "дилхирож туйғулар"ини китобхонга ҳам "юқтира олади". Бир суҳбатда "Мен кўнгил ҳукмидаман" дея очиқ эътироф этган ижодкор учун бошқа йўл ҳам йўқдай... Дарвоқе, ана ўша "юқтира олиш" қобилиятини Лев Толстой санъат деб атаган эди.

Муаллифнинг бетакрор, ниҳоятда ўзига хос услуби китобнинг жанрини белгилашида ҳам намоён бўлган. Одатда публицистик асарлар мақолалардан, суҳбат ва эсселардан ташкил топгувчи эди. Абдунаби ўз китобининг жанрини "Қувончу армонлар, беором мулоҳазалар, ҳазил-мутойибалар" деб атайди...

Хўш, "Дилхирож туйғулар" нима ҳақда ўзи? Бу саволга бир оғиз сўз билан Ватан ҳақида деб жавоб бериш ҳам мумкин. Ватан эса остонадан бошланади. Расул Гамзатов "Мен учун оламнинг маркази – Доғистондир" дея бежиз айтмаган. Абдунаби – Андижон фарзанди. Китобнинг бош мавзуси ҳам Андижондир. Юртига, киндик қони тўкилган тупроққа қаттиқ боғланган, ҳамиша унга интилиб, талпиниб, соғиниб яшаган муаллиф "ҳар қандай буюк кишининг ватани", "у яратган ва яратажак буюк ишларнинг ибтидоси" бўлмиш маҳалла ҳақида ёзадими, Арслонбобнинг гўзал тоғларини тасвирлайдими, туғилган қишлоғи Тешикмозорга файз киритиб турган ва бу фоний дунёни тарк этган кексаларни қўмсаб эслайдими, бу ердан етишиб чиққан ажойиб, камтар-камсуқум одамларни улуғлайдими, тасвирда ҳамиша баландпарвоз сўзлардан қочади, дилида, кўнглининг туб-тубида армон бўлиб қолган туйғуларини самимий, таъсирчан бир оҳангда ифодалайди. Бу бетакрор оҳанглар гоҳо серзавқ, гоҳо маҳзунроқ пардаларда сизнинг қалбингизда ҳам акс-садо беради.

Жаббор полвон ҳақидаги қуйидаги тасвирни ҳаяжонсиз ўқиш мумкин эмас:

"Менимча, полвонни Аллоҳ томонидан ўзига инъом этилган кўркам жуссаси, куч-қудрати, фавқулодда чаққонлиги ва жасорати, чиройли маҳорати билан элу оламни жисмоний, маънавий камолотга чорлаш ҳисси майдонга олиб чиқади.

Эсимда, Жаббор полвон туман марказидаги сайллардан бирида кураш тушиб, ғолиб бўлганда Тешикмозордан келган биз қатори йигитларнинг қалби аввал бир ҳаприкди, сўнг кўкраклари беихтиёр кўтарилиб қолди. Имоним комилки, ушбу дамда Жаббор полвондай бўламан, деган ўй шу ерда томошада турган юзлаб йигитларнинг кўнглидан кечди. Шундай зурриёт ато қилгин, деб оталар орзу қилдилар. Шундай шунқор бўлса кўкрагим остида ўн ой бўлса жон деб кўтарардим, деб қиз-жувонлар орзиқди.

Бир йигитда, бир полвонда энди қандай армон бўлсин?"

Ижодкор ҳақида ижодкорнинг ўзи яхши ёзадими ёки танқидчи-олим ёзгани маъқулми деган савол кўп бошимни қотирган. «Дилхирож туйғулар»ни ўқигач яна бир карра амин бўлдимки, ижодкорнинг дардини, ички дунёсини барибир ижодкор яхшироқ, теранроқ англар экан. Китобда Иброҳим Раҳим, Мақсуд Қориев, Неъмат Аминов, Жўра Саъдуллаев, Хуршид Дўстмуҳаммад, Саъдулло Ҳаким, Қамчибек Кенжа, Абдулла Комил, Наби Жалолиддин, Ҳалима Аҳмедова, Яҳё Тоға, Аҳмаджон Долиев, Эркин Комилов, Эсон ҳофиз, Клара Жалилова, Маҳмуджон Азимов, Маъмура Эргашева, Обиджон Бакиров каби шоир, ёзувчи, журналист, санъаткор ва рассомлар ҳақидаги ихчам портретлар завқ-шавқ билан ўқилади. Абдунаби Бойқўзиев уста мусаввир янглиғ образли, эҳтиросли ва гоҳо чапани, аламнок битиклари билан ижодкор қиёфасини китобхон кўз ўнгида анча яққол гавдалантира олади. Бу нурли сиймолар ҳаёти ва ижодидан ибратли, муҳим хулосалар чиқаради. Сийқа саволлардан ўзини тияди, анъанавий сўровлари эса ўзгача маъно касб этади.

Муаллиф Бобур номидаги халқаро экспедициянинг фаол иштирокчиси, ёзувчи Қамчибек Кенжанинг «Ҳинд сориға», «Андижондан Даккагача», «Буюклар изидан» деб номланувчи саёҳатномалари ҳақида тўлқинланиб ёзаркан, «бугунги ўзбек бадиий адабиётида янги бир ижодий соҳанинг пайдо бўлишини»ни (Академик Азиз Қаюмов мулоҳазалари – Ш.О.) зўр қувонч ва мамнуният билан қайд этади. Шунингдек, «Бобур номидаги халқаро экспедициянинг ташкилотчиси, раҳнамоси, том маънодаги миллат фидойиси Зокиржон Машрабовнинг хизматлари ўзбек халқи маданияти ва маънавияти тарихига алоҳида нурли саҳифа ўлароқ ёзилса ҳам ажаб эмас», деган ҳаққоний эътирофи ҳам диққатга сазовордир.

Ҳ.Дўстмуҳаммаднинг «Журналист бўлмоқчимисиз?» рисоласи ҳақида ёзаркан, бу шарафли ва ўта масъулиятли касб тўғрисида шундай дейди:

«... журналист партиявий адабиётнинг фикрсиз жангчиси, қайсидир фирқага хизмат қилувчи қудратли қуролнинг манқурт тепкибосари эмас. Балки у Хуршид Дўстмуҳаммад таъбирича, кўп сонли фуқарони маълум бир таъсир доирасига олиб кириш қудратига эга бўлган... жамиятга, жамият аъзоларининг онги, тафаккури, дунёқарашига таъсир кўрсатувчи касб эгаси... Энди холисонилло айтинг, ана шундай умумлашган фазилат, қудрат қайси касб эгасида бор?!»

А.Бойқўзиев ушбу ҳақиқатни эслатиш орқали айрим ҳамкасбларини ғафлат уйқусидан уйғотаётгандай, уларни жасоратга, огоҳликка, масъулиятга чорлаётгандай бўлади.

«...назм мухлислари кўз ўнгида шеър ўқиб туриб, юрагини чангаллаб, ҳаёт билан видолашган», «Юрак ҳақида юракларни эзувчи шеърлар ёзган» ёш шоир Аҳмаджон Долиев ҳақида ёзаркан, унинг «талантлар Хизр назар қилган юртларгагина ато этилгуси. Бироқ, талантли кишиларни туққан эл уни ардоқлаши, қадрлай билиши ҳам керак» деган аламли хулосага китобхон ҳам қўшилмай иложи йўқ.

Пойтахтдаги ижодий муҳитдан йироқда яшаса-да, сўнгги йилларда анча самарали ижод қилаётган шоир ва публицист Абдулла Комил шеъриятининг ўзига хос жиҳатлари китобда нозик таҳлил этилган.

А.Бойқўзиев шоир Яҳё Тоғанинг босилиб чиқишига ўзи сабабчи бўлган ва тезда машҳур бўлиб кетган «Тўй» деган ажойиб шеърининг яратилиш тарихини ғоятда мароқли ҳикоя қиларкан, шундай ёзади: «Яҳёнинг шеърларида «цивилизация» асоратлари ҳали заҳа етказиб улгурмаган олис қишлоқ ва овулларимиз ҳаёти, ҳис-туйғулари, турмуш тарзи, арзи-ҳоли, сўзлаш оҳанглари яшаётгандай».

«Дилхирож туйғулар»нинг ҳамма бобларига тўхталишнинг иложи йўқ, албатта. Аммо ундаги ҳажв, ҳазил-мутойибалар ҳақида бироз мулоҳаза билдирмай ўтолмайман, чунки бунинг каминага андак даҳлдор жойи бор...

Адабиётимизда ёзувчилар ўртасида бир-бирига ҳазил қилиш анъанаси азалдан бор нарса ўзи. Ғафур Ғулом, Собир Абдулла, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Адҳам Ҳамдам каби адиблар билан боғлиқ ҳангома, ҳазилларни эсланг. Бир вақтлар республикамизнинг нуфузли нашрларида ўттиз йил самарали меҳнат қилган, «Муштум» журнали қозонида обдон қайнаб пишган Абдунаби ҳам ўз устозлари ва салафлари анъанасини давом эттираётгани кўп хайрлидир.

Китобнинг «Муштум»чилар кулгухонасида» бобида келтирилган аксарият ҳангомалар мириқиб ўқилади. Айни чоғда улар ўша даврдаги адабий муҳитнинг ҳазил-мутойибаларга йўғрилган ўзига хос тарихидир. Камина ҳақидаги самимий ҳазилларнинг кўпига ўзим фатво берганман, (Абдунаби – андишали йигит эмасми, айрим ҳазилларини олдиндан ўзимга ўқитиб, ёзувчи Ашурали Жўраев ибораси билан айтганда «Ҳазил қилсам майлими?» дегандек ўзимга «тасдиқлатиб» оларди) ҳамкасблар даврасида ўқиб, маза қилиб кулишганмиз. Фақат адолат юзасидан қайд этиш жоизки, бу ҳазилларнинг ҳаммаси ҳам бирдек муваффақиятли чиққан деб бўлмайди. Айримларида зўрма-зўракилик, сохталик сезилади. Кулги эса табиий бўлгани яхши, албатта. Хайриятки, бу ҳазиллардан туғиладиган умумий таассурот соғлом ва беғубор. Ишончим комилки, Абдунаби ижодининг қийин ва қувноқ тури – ҳажв жанрида ҳам баркамол асарлар ёзиб , китобхонларга ҳали кўп кулгу-қувонч улашади.

Ушбу китобнинг тили ва услуби ҳақида алоҳида тўхталмай ўтолмайман. Абдунабининг «тили» ҳар қандай қаламкаш ҳавас қиладиган даражада гўзал, ниҳоятда ширали, образли, услуби равон ва мукаммал. Нега шундай имконияти бўлатуриб наср билан жиддийроқ шуғулланмайди деган фикр ҳам хаёлимдан ўтди. Шу ўринда мавриди келгани учун яна бир мулоҳаза: ажабо, муаллиф тилга заргарона муносабатда бўлса-да, китобнинг айрим саҳифаларида талант, конкурс, магазин, район, программа, инвалид, кружок, комитет, фонд, рўзнома, редактор каби сўзлар ишлатилганини кўриб таажжубландим. Ваҳоланки, бу сўзларнинг ўзбекча чиройли муқобиллари бор эди. Шунингдек, китобда гоҳо айрим тафсилотлар ҳожати бўлмаса-да, такрор-такрор келтирилган. Беихтиёр ўтиб кетган ва асарнинг кейинги нашрида бемалол тузатиш мумкин бўлган ушбу нуқсонлар китобнинг қимматини пасайтиролмайди, албатта.

Биз яхши бир китоб ўқисак уни яқин дўстларимизга илиниб, тавсия қиламиз. Мен Абдунаби Бойқўзиевнинг бу китобини фақат дўстларимгагина эмас, юртимиз ҳақида кўпроқ билмоқчи бўлган ҳатто хорижликларга ҳам тавсия этган бўлардим.

Шодмон ОТАБЕК

Пўлат Ҳамдам Самарқандда туғилган. Машҳур ҳажвчи, водий афандиси деб тан олинган Адҳам Ҳамдамнинг тўнғич фарзанди. Самарқанддаги «Шарқ тонги» газетаси, Тошкентдаги «Бир сафда» журналида фаолият юритган.

Фарғонада Адҳам ака хонадонида Ғафур Ғулом, Саид Аҳмад, шоира Зулфия, Комил Яшин, Ҳалима Носирова, Охунжон Ҳакимов, Мухтор Худойқуловлар билан бўлган суҳбатларни, шубҳасизки, Пўлат ака мириқиб тинглаган. Адҳам ака рус ёзувчиси Константин Симоновга: «Мен ёзувчиману, лекин ёзмайдиган ёзувчиман, аммо оғзаки ёзувчи, дейишади, одамларни кулдириб юраверараман», деган экан.

Пўлат ака ҳам "оғзаки ёзувчи", ҳам чинакамига катта ижодкор. Шу боис у киши айни чоғда бирорта каттароқ асар ёзиш орзусида юрибдилар.

Ҳозирда республикамизнинг нуфузли газетаси «Народное слово»нинг Фарғона водийси бўйича мухбири ҳамда Намангандаги «Болалар дунёси» газетаси бош муҳаррири сифатида фаолият кўрсатаётган устозимизнинг қуйидаги ҳажвияси эса унинг энг "свежий" ёзганларидан.

Камола НОСИРОВА,
«Болалар дунёси» газетаси муҳаррири ўринбосари.

Ҳажвия

Яшавор, хотин!

Қишлоқ мактабида ҳурматга сазовор ва эътиборли ўқитувчи эдим. Олимпиадами-эй, "Қувноқ стартлар"ми, илм анжуманларими, хуллас ҳаммасига таклиф қилишарди, унутишмасди. Мендан зўрроқ қишлоқдан чиққан адабиётчи йўқ эмиш. Ошиғим олчи. Яхшиямки каллам дуруст ишларкан. Оддий қишлоқ ўқитувчиси бўла туриб, шоир Тарсакий ҳақида илмий иш ҳам ёқлаб қўйганман. Ишдан ҳориб уйимга қайтсам илмий ишим тепасида телеграмма турган экан. "Унда сиз шаҳардаги мактабларнинг бирига директор қилиб тайинландингиз", – дейилган. Имзо таълим бошқармаси раҳбарларидан бири Сокинбековники эди. Уч-тўрт кун ичида каттакон ҳовлимизни, боғимизни вояга етган фарзандларимизга ҳадя қилиб қолдирдик. Бир олам қувонч билан хотиним Илтижохон билан орзиқиб кутилган шаҳарга етиб келдик.

– Доллармисиз, топиб бўлмайди, директорликка буйруқ чиққанига бир ой бўлди, – деди мени кутиб олган бошлиқ муовини Сокинбеков. – Уй ҳам тайёр. Мана ордер Интизор кўчасининг 7-уйидан сизга бир хонали квартира ажратдик. Маза қиласизлар. Газ, сув, бозор ҳаммаси биқинда.

Кўп ўтмай бир хоналик уйга жойлашдик. Мактаб директориман, муҳр чўнтакда. Ҳаётимда галстук тақмаганман. Энди мажбурман. Галстук тақмаган директорни кўрмаганман. Мен нима қилай ахир, иложсизман-да. Тақаман-у, боғлаб қўйилган бузоққа ўхшаб бўйнимни қайиролмай қоламан. Ҳа, бу шароитга ҳам кўникиб кетдик. Лекин олдинда ҳали кутилмаган муаммолар бор эди. Сабаби бир хоналик уйда яшаш учун икки олийгоҳнинг дипломи ҳам, билими ҳам етишмас экан.

– Мен ҳамир қоришим керак, кир юваман, ошхона ва ваннахонага сиғмай қоляпман, – деди нақд 80 килограммли хотиним. – Сиз дарс конспектларингизни ошхонада ёзасиз. Шўрвага ҳам қараб қўясиз, тағин суви тошиб кетмасин.

– Бу таклифингиз ёқмайди, – дедим мен. – Сиз саксон кило бўлсангиз, мен 95 кило тош босаман. У айланиб бўлмайдиган ошхонангиздаги газ ҳидига, овқат исига чидолмайман.

Хуллас, ўртамизда бир хоналик уй «тақсимоти» авж олиб кетди. Бу ёғи янги уй билан табриклагани қариндош-уруғлар, ёру-дўстлар тинмай келиб туришибди. Уларга дастурхон ёзиб, бир бало қилиб сиғиб турибмиз. Телевизорни бир бурчакка қўйдик, орқасига бир қоп картошка жойлаштирдик. Телефонни осма соатнинг олдига авайлаб ўрнатдик. Китоб жавони ортиқча нарсаларимиз сақланаётган балконга чиқди.



Яхшиямки, ана шу балкон бор экан, беш юз килодан ортиқ анжом ўша ерда димиқиб ётибди. Эр-у хотин бирга асло балконга чиқмаймиз, чунки бизнинг вазнимизга балкон нарса-парсаси билан узилиб кетиши ҳеч гапмас.

Бугун дам олиш куни. Ёстиқдошим билан мириқиб кўк чой ичиб ўтирибмиз.

– Уф, сиқилиб кетяпман, тарс ёриламан-ов, – дея менга ўқрайиб қаради у. – Шу ҳам ҳаётми?

– Нега ёриласиз, тарвуз эмассиз шекилли, – дедим мақсадни ҳазилга йўйиб.

– Қишлоқдан олиб келган озиқ-овқат маҳсулотларини қаерга жойлайман бу ўймоқдай жойда. Гуручни қопи билан эшик орқасига қўйдим, сабзи ваннахонада, пиёз балконда, маҳалла қўмитаси ажратган ўсимлик ёғи сиз ишлаётган стол тагида. Энди ювилган кир-чирларни қаерга иламиз? Сиз ҳам бундай каллани ишлатинг-да.

– Калла молда бўлади, менда худога шукр бош, – дедим фиғоним чиқиб.

Ноилож, иккаламиз балкондан то ошхонагача ўрилган арқонни тортиб чиқдик. Шуни топганимизга ҳам шукр. Энди осиғлик шим, қўлак ва ҳоказо кийим-кечаклар орасидан бошимизни хам қилиб юрибмиз. Ўтган куни бизни янги уй билан қутлаб қишлоқдан ҳамкасблар келишди. Яхшиямки ораларида хотин киши йўқ экан. Фаросат ҳам йўқда уларда, бўлмаса тор жойни янада тор қилиб шу ерда тунаб қолишадими. Ўзимиз ётадиган ягона хонамизни уларга бердик. Ўзимиз эса ошхонада идиш-товоқлар орасида мижжа қоқмай чиқдик. Бундан ташқари собиқ ўринбосарим Макомбоев шундай хурракни гумбурлатдики, ҳатто қўшниларимиз ҳам безовталанганлигини сездим. Қаранг-а, йигирма йил бирга ёнма-ён ишлаб, бу азаматнинг хуррак отишини билмаган эканман. Тўғри-да қаердан билай, мен унинг билан бирон марта бирга ётмаган бўлсам.

Хайрият, меҳмонларни зўраки табассум билан кузатдик.

– Худога шукр, энди бир ўзимиз ҳам дам оламиз, – деди хотиним кечаги қолган лағмонни газ плитага қўяр экан. Шу пайт бирдан эшик қўнғироғи жиринглади.

– Оббо, яна ким бўлди, – дея эринибгина эшикни очдим. Рўпарамда қишлоқдан келган синглим Тозагул майин кулиб турарди. Ёнида хонага шу захоти отиламан, деб олти нафар болалари ҳам қатор туришарди.

– Акажон, омонмисизлар, соғиниб кетдик, – дея у лойга ботган ковушини ҳам ечмасдан ўзини ичкарига урди. Болалари ҳам қий-чув қилиб югуриб киришди.

– Синглим бугун тунаб қоласизлар-а? – сўрадим иложсизликдан. Хотиним менга бир хўмрайиб қаради.

– Ие, ака, қизиқсиз-а, тунамай бўладими? Келинимиз билан гаплашадиган бир қоп гапимиз бор. Кейин жиянларингиз ҳам сизни жуда-жуда соғинишган.

– Тозагул, синглим, болаларнинг ярмини уйда қолдирсангиз бўларди-да, – сукунатни бузди хотиним. – Кўриб турибсиз жойимиз тор.

– Юрак кенг бўлсин, келинпошшо, сиғамиз. Болаларни ташлаб бўладими? Эртага опам ҳам саккизта фарзандини етаклаб келяпти. Ҳурмат қилганимиздан сўнг шунақа бўлади-да, келинпошшо!

Уларга ётоқхонамизни бериб, яна мўъжазгина ошхонамизда эру-хотин «мириқиб» тонгни орттирдик. Конспектларим газ плита устида. Куртка капгир илинган михда осиғлик. Шляпам мантиқозон қопқоғида. Ботинкам тикув машинаси тагида. Эрта тонгданоқ синглимизни болалари билан шаҳарга чиқариб қўйдик. Бозорни томоша қилармишлар. Вақт зиқ, ишга кеч қоляпман. Кўзойнагимни тополмайман.

– Хотин, кўзойнак қани?

– Уф, яна ўша гап. Кеча шимингизни қидиргандингиз. Йўқотган буюмингизни доим мендан сўрайсиз. Бундай қўйган жойингизни эслаб қолинг-да, хўжайинжон. Ана, кўзойнагингиз телефонинг ёнида турибди.

– Вой, игна билан уймоқни қаергa қўйдим-а, – деди хотиним менга умид билан қараркан. – Костюмингиз тугмасини янгиламоқчи эдим.

– Мен ишга шошяпман, – дедим тутоқиб. – Сиз шу пайтда уймоқ суриштиряпсиз. Шу бир хоналик уйда ҳам нарса йўқотиб бўладими, а? Ана, игна билан уймоқ атлас кўйлагингиз устида турибди.

Мактабга етиб келдим-у, ҳамон хаёлим ўша бир хоналик уйдаги можароларда. Одамни жазолаш керак бўлса, бир хоналик уйга жойлаш керак экан. Бир пудлик хотиним навниҳол бўлиб қоляпти-я.

Мен эса майин шабодада энтикиб турибман. «Қадрингга етдим, дов-дарахтларга кўмилган, бобомдан қолган, оёғимни бемалол узатадиган меҳмондўст ҳовлим!»

Биродар, қишлоқдан шаҳарга келиб бир хоналик уйда яшаганмисиз? Мабодо кўчиб келмоқчи бўлсангиз, бизга зудлик билан учранг, тажриба алмашамиз.

Хотин сенга балли, яхши табиатинг борда, хонамизни бахтли маконга айлантирворинг. Яшавор, ёстиқдошим, боринггa шукр...

Пўлат ҲАМДАМ

2008-yil 9-yanvar | O'zingni angla! Mustaqil gazeta HURRIYAT

«Машҳур боксчи бўламан деб ўйламаганман»

Хизмат кўрсатган спорт устаси Руфат РИСҚИЕВ билан суҳбат

— Руфат ака, сизни элимиз, бокс мухлислари ҳаваскорлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати ғолиби (1974 йил Гавана, Куба) Олимпия ўйинлари кумуш медали соҳиби (1976 йил Монреаль, Канада) собиқ иттифоқ чемпиони (1973 ва 1976 йиллар), собиқ бутуниттифоқ миқёсидаги спартакиадалар ғолиби (1971 ва 1975 йиллар) АҚШ, Австрия, Югославия, Испания каби давлатларда ёшлар ва катталар ўртасида ўтказилган халқаро турнирлар ғолиби сифатида яхши танишади. Мустақиллик шарофати туфайли эса "Буюк хизматлари учун" ва "Эл-юрт хурмати" орденлари билан тақдирландингиз. Ҳали-ҳануз бокс ишқибозларини чиройли, бетакрор ўйинларингиз, кучли зарбаларингиз, ишончли ғалабаларингиз ҳаяжонга солади.

Лекин... негадир, ҳаётингиздаги кескин характерга эга бўлган мусобақаларда рақибларни олов қалб, кучли қақшатқич зарбалар билан енгиб, "тошкентлик йўлбарс" деган номга сазовор бўлган боксчининг ҳар бир нарсага таъсирчанлиги, кўнгилчанлиги ҳам кўпчилик учун ҳайратланарли. Назаримда, бу камтарлик, одамийлик туйғулари болалик чоғингизданоқ шуурингизга сингиб кетганга ўхшайди...

— Отам вафот этганида онам 28 ёшида қолган. Онам эртадан кечгача бизга овқат олиб келиш учун тинмай ишларди. Шу билангина қора қозонимиз қайнаб турарди. Отам вафот этганига уч йил бўлгандан кейин онам бизга мато сотиб олиб келиб, кийим-кечак тикиб берганлиги ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. Болалик давримнинг асосий қисми кўчада, яъни маҳалладаги болалар билан кечди. Айнан ўша болалар билан дастлаб акробатика кейин эса, бокс тўгарагига қатнашдим. Устозим Жексондан дастлаб бокс сабоқларини олганман. Кейин акам Алишер Алексей Барановга шогирдликка мажбурлаб олиб борган. Бошида унга шогирд тушишни хоҳламаганман. Лекин бир томондан яхши бўлган. Кейинчалик мураббий Борис Гранаткин қўлида маҳоратни ўтагандим. Ўшанда мени ҳеч ким, ҳатто ўзим ҳам келажакда машҳур боксчи бўламан деб хаёлимга келтирмаганман. Тажриба ошириш учун 11 ёшимда Тошкентда ўтказилган очиқ рингда иштирок этганман. 17 ёшимда Эстонияда ўтказилган олимпиадада қатнашиб биринчи ўринни эгаллаган эдим. Аста-секин республика, собиқ иттифоқ ва қитъа миқёсидаги мусобақаларда иштирок этдим.

— Жаҳон чемпиони. Қандай жарангдор. Бу сўзлар ҳар қандай спортчини ҳам илҳомлантириб юборади. Эътиборли томони шундаки, Куба пойтахти Гаванада ўтказилган ҳаваскор боксчиларнинг илк жаҳон чемпионатида қатнашиб, биринчилар қаторида олтин медални қўлга киритганлигингиз ҳақида ҳалигача тўлқинланиб ёзадилар, тилдан қўймайдилар. Барча муваффақиятларингизнинг сири нимада деб ўйлайсиз?

— 1974 йилда Бутунжаҳон бокс уюшмасининг (AIBA) фавқулодда конгресси ҳар тўрт йилда бир марта ҳаваскорлар ўртасида жаҳон чемпионатини ташкиллаштириш ҳақидаги қарорининг ижроси асосида жаҳон чемпионати ўтказилганди. Чемпионатда шаҳар, Ўзбекистон, собиқ иттифоқ биринчилигини қўлга киритганлигим учун қатнашишга мушарраф бўлганман. Мусобақада менинг оғирлигим бўйича 27 боксчи рингга чиққан. Дастлабки учрашувда чап қўлимни, иккинчисида ўнг қўлимни, учинчисида яна чап қўлимни синдирганман. Рингда йиқилганимда юзгача санашганларида ҳам турмайман деб ўзўзимни ишонтиргандим. Шунда ўз қарамоғимга олган раҳматли тоғамнинг қизлари Тамара ва Кларалар кўз олдимдан ўтди. Агар ўрнимдан турсам 500 рубль беришар, уларга совғасалом олиб борсам, деган хаёлда турдим. Ўша йилнинг 17-31 августида кечган мусобақада жаҳон чемпионлигига сазовор бўлдим. Мусобақа тугагач, икки қўлим гипсда узоқ вақт шифохонада ётдим. Уч марта рингда жангларни жароҳатланган қўлларим билан ўтказганман. Айниқса, 1976 йил Монреалда ўтказилган XXI ёзги олимпиададан кейин умуман боксни ташлашга қарор қилдим. Шу-шу рингга қайтиб чиқмадим.

— Нега фаолиятингизнинг айни гуллаган даврида?..

— Олимпиада ўйинларининг финалида энг оғир вазнда профессионаллар ўртасида бўлажак жаҳон чемпионатида жаҳон чемпиони Майкл Спинсга қарши рингга чиқдим. Украинада, Венгрияда, Кубада жароҳатланган қўлларим ҳали битмасдан туриб, жангга киргандим. Агар даволанганимда албатта, мусобақада ғолибликни қўлга киритардим. Кейин ёнимда устозим Гранаткин ҳам бўлмаган. Олимпиадада ютсам ҳам, ютмасам ҳам барибир боксдан кетардим. Чунки 12 ёшимдан 27 ёшимгача мусобақаларда иштирок этавериб, тугагандим. Ҳаётнинг менга қизиғи қолмаганди. Чунки шунча йил фақат боксга тушдим. Шахсий ҳаётим бўлмаган. Дўстларимнинг оиласи, фарзандлари бор эди. Боксни ташлаганимдан сўнг онам мени уйлантириб қўйди. Шундан бери оиламга, фарзандларимга меҳрим тушиб яшаяпман.

— Кўпинча спортчилар билан суҳбатлашганимда «Бокс спортнинг энг мураккаб, энг машаққатли тури. Рингга чиқдингми ё ҳаётинг, ё мамотинг ҳал бўлади», дея эътироф этишади. Сизнингча бокс нима?

— Бокс — мардлар майдони. Бунда довюрак, ақлли спортчилар ғалаба қозонади. Баъзан боксга қизиқиб, машаққатидан, меҳнатидан қочадиган спортчиларга майдонга чиқишга қурбинг етмаса бу йўлни танлаб нима қиласан? Танладингми, заҳматига чида-да. Ўғил бола бўлсанг, нолима дейман. Айни пайтда Ўзбекистон терма жамоасида маслаҳатчи бўлиб фаолият кўрсатаётган эканман, боксчиларнинг машғулотларини кўриб, маслаҳатлар бераман.

— Сиз спортда эришган ютуқларни нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда ҳам фахр-ифтихор билан тилга олишади. Баъзан оламшумул мусобақаларни кузатиб туриб, ўзингизни ҳам рингга тушган чоғларингизни соғиниб қолсангиз керак-а...

— Спорт туфайли дунёнинг 35 га яқин мамлакатида мусобақаларда, халқаро миқёсдаги учрашувларда иштирок этдим. Ҳар бир мусобақа ҳаётимдаги энг унутилмас, энг гўзал лаҳзалардир. Бугун катта-кичик воқеалар спорт тарихида хотира бўлиб муҳрланди. Лекин мени ҳар доим ютуғлару ғалабалар билан табриклашга ўрганиб қолган томошабинлар, 35 йилдан бери кўчада, бозорда, байрамда ҳатто автобусда ҳам мендан фақат бокс ҳақида сўрашади. Ҳозир 58 ёшдаман. Бокс жонимга теккан. Мусобақалардан чарчаганман. Худонинг берган куни бокс ҳақида гапириш мен учун оғир. Авваллари бокс ҳақида умуман гапирмасдим. Икки-уч йилдан бери бокс ҳақига гапиряпман. Биласизми, спорт шоу эмас, боксчи рингдаги жангларини қандай кечганлигини ўзи яхши билади. Машаққатларини ҳамма билиши шарт эмас.

— Келинг, суҳбатимизга "лирик" чекиниш қилсак-да, мавзуни сизнинг куй-қўшиққа, адабиётга бўлган меҳр-муҳаббатингизга боғласак...

— Э, бормисиз, шундай мавзулардан ҳам сўз очинг. Биласизми, мусобақалардан, спартакиадалардан бўш қолган пайтларимда гитара чалардим. Ўзбек мумтоз куйларини эшитаман. Жаҳон адабиётига мурожаат қиламан. Авваллари чет эллик спортчи дўстларим билан буюк бобокалонларимиз ҳақида гаплашиб қолсак, бундан бир минг йил олдин Абу Али ибн Сино одамни операция қилганлигини, Беруний ернинг шар шаклида эканлигини айтганлигини, Мирзо Улуғбек эса йилни санаб ҳисобига етганлигини айтсам ҳайратланишарди. Юртимизга бир марта ташриф буюришни орзу қилишарди. Дунёнинг қанча мамлакатларида бўлмай, она юртимдек жаннатмакон ўлкани ҳеч қаерда кўрмадим.

— Мустақиллик шарофати билан улкан хизматларингиз муносиб тақдирланди. Олимпиа шон-шуҳрати музейида фаолиятингизга бағишланган алоҳида бўлим очилди. Спортчи учун дунёда бундан ортиқроқ бахт бўлмаса керак?

— 1990 йилнинг ўрталарида ҳаётимда кутилмаган ўзгаришлар рўй бера бошлади. 50 ёшга тўлганимда давлатимиз меҳнатимни инобатга олиб бир неча мукофотлар билан тақдирлади. Олимпиа шон-шуҳрати музейида фаолиятимга бағишланган алоҳида бўлим очилганлиги мамлакатимизнинг спортга бўлган ҳурмат-эътиборининг ёрқин намунаси бўлди. Ундан ташқари мен ҳақимда китоблар чоп этилганлиги руҳиятимни кўтарди.

— Хонадонингизга ташриф буюрганимда 85 ёшни қаршилаётган муҳтарама волидангиз Тўрахон ая мени кутиб олар экан, хотираларини эслаб «Руфатжонни мусобақалардан соғ-омон қайтишини интизорлик билан юрак ҳовучлаб кутардим. Телевизордан ўйинларини томоша қилар эканман, унга тушган калтак мени бошимга тушгандек бўларди. Ғалабасини эшитсам бўлди, ўша заҳоти елкамдан тоғ ағдарилгандек енгиллашардим. Бугун Руфатжон билан бутун Ўзбекистон фахрланади» деган сўзларидан таъсирланиб кетдим. Беихтиёр инсон барибир оила-аъзоларига, қадрдонларига азиз эканлигини юракдан ҳис этдим. Шундай эмасми?

— Онам ҳар доим мусобақалардан қайтсам, йўлимга югуриб чиқиб: «ютдингми болам», деб савол берарди. Ютдим десам, бироз хавотирланиб:

— Рақибингни оғирроқ урмадингми, унинг ҳам онаси бор-да», дердилар. Бир куни мусобақадан қайтаётганимда кимдир онамга телефон қилиб, «Руфат ўлди» деган совуқ хабарни айтишибди. Ўшанда онамнинг ҳоли нима кечганлигини билсангиз эди. Ҳозир ҳар доим онамнинг ёнидаман. Турмуш ўртоғим Маъмурахон врач. Фарзандларим олий маълумотли. Ўғилларим спортни севишади, лекин улардан боксчи чиқмади.

Адиба УМИРОВА суҳбатлашди.

Хотира

Азиз ўқувчи, Анвар Исроиловдек яхши инсон ҳақидаги хотираларим кўнглимда алоҳида жой тутади. Ва бу нурли таассуротларимни сиз билан баҳам кўришни ният қилдим...

Қўшиқ — диллар изҳори

50-йилларнинг охири, 60-йилларнинг бошларида адабиёт аталмиш сўлим чаманзорга дадил одимлар ила кириб келганлар қаторида Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Сайёр, Тўлқин Имомхўжаев каби истеъдодларни тилга олишимиз мумкин. Бу забардаст ёзувчи ва шоирлар сафида Анвар Исроилов ҳам бор эди.

Бахтли тасодифни қарангки, болаларнинг севимли шоири Қудрат Ҳикмат қўшнимиз эди. Ёзилган шеърларини биринчи бўлиб бизга ўқиб берардилар. Шеърни ғоятда чиройли талаффуз қилардилар — бутун вужудимиз билан тинглардик.

Бир кун дилларимизга бир жаҳон завқ бағишловчи шеърхонликдан сўнг, устоз менга шундай дедилар:

— Қўшни маҳаллага шоир Анвар Исроилов кўчиб келибди. Хабарингиз борми?

Дарров Анвар акани топдик ва самимий даврамизга уларни ҳам жалб этдик. Кейинги кун севинчимиз ниҳоя билмасди — Анвар Исроилов суҳбатимизга жўр бўлдилар! Шеърларини жуда кўтаринки кайфият билан ёддан ўқидилар:

Гул юртимнинг бўстони гўзал,
Қуёши — зар, осмони гўзал,
Олтин ёшлик достони гўзал,
Қўллардадир саодат тори,
Қўшиқ — шайдо диллар изҳори.

Шоирнинг кўнгил бисоти шу қадар ранг ва оҳангларга бой эдики, вақт қандай ўтганини сезмай қолдик. Ҳаммамиз бугунги бетакрор таассуротлар оғушида кейинги учрашувни сабрсизлик билан кута бошладик.

Навбатдаги учрашувда Анвар ака ўзлари билан бирга радиоприёмник олиб келдилар. Яна ёнларида бир қанча пластинка ҳам бор эди. Мушоира бошланди. Барчамиз қўшнимизнинг супасига қулайгина ўрнашиб олганмиз. Аввал Қудрат ака, кейин Анвар Исроилов шеър ўқиди. Бироздан сўнг пластинкаларга гал келди. Дилга манзур наволар таралди. Бу — Анвар Исроилов қаламига мансуб сатрларга басталанган жозибадор қўшиқлар эди.

Шу бир баҳона бўлди-ю, дилтортар мушоиралар тез-тез такрорланиб турди. Бу адабий ва мусиқий кечаларда баъзан Тўлқин Имомхўжаев ҳам иштирок этарди.

Дунёнинг ишларини қаранг, адабиётга, хусусан шеъриятга бўлган муҳаббатим туфайли мен ҳам ҳозирги "Ўзбекистон овози" газетасига ишга келдим. Бу қутлуғ даргоҳда кўплаб ижодкорлар билан учрашдим, уларнинг дилкушо суҳбатларидан баҳра олдим. Эски қадрдонларим Анвар Исроилов, Тўлқин Имомхўжаевлар ёзган мақола ва шеърларини таҳририятга олиб келар эдилар.

Анвар Исроилов аллақачон қўшиқчи шоирлар қаторидан шоён ўрин эгаллаган эди. Ўзбекистон радио ва телевидениеси орқали шоир шеърлари билан айтилган тароналар мунтазам янграб турарди. Айниқса, улар тайёрлаган унутилмас кўрсатувлар ҳамон ёдимизда. "Таъзим", "Марҳабо, талантлар!", "Доира рақсга чорлайди", "Назм ва наво", "Ғазалхон ёшлигим"... Ҳар бир кўрсатув бир олам эди.

Бир кун шоир Туроб Тўла билан таҳририятда суҳбатлашиб ўтиргандик, бирдан радио орқали Коммуна Исмоиловнинг Анвар ака шеъри билан айтилган қўшиғи янграб қолди. Қўшиқ тугагач, Туроб Тўла хаёлга толиб, шундай дедилар:

— Унинг лирик шеърияти фақат ёр билан чегараланмайди. Бу — диёр меҳри. Ватанни суйган ижодкор ҳеч вақт хор бўлмайди, ҳамиша ардоқланиб яшайди...

Қадрдоним ҳақидаги бундай илиқ сўзлар қувончимга қувонч қўшди.

Ҳа, устоз гапларида жон бор экан. Анвар Исроилов сўзи билан айтилган тароналар ҳозир ҳам радиоэфирларимиз кўрки. Қанча кўнгиллар бу нафислик ва гўзалликдан мамнун. Китобларини айтмайсизми: "Йўллардаги қўшиқлар", "Юлдузлар ғазали", "Бир суҳбат хумори", "Югурик нур", "Севгига илтижо", "Олтин ёмғирлар", "Булбуллар ва одамлар", "Биз — дунё одамлари". Китоблар номи битилган бу қатор янада узунроқ бўлиши мумкин эди, агар... агар шоир қисқа умр кўрмаганида. Афсус, айни чоғ улар орамизда йўқ. Ҳаёт бўлганларида бу йил 70 ёшга тўлиб, не-не давраларга файз киритиб, яна қанчадан-қанча латиф шеърлар муаллифига айланардилар. Энг муҳими, ёш ижодкорларни қанотларига олиб, уларни адабиёт дея аталган шуълавор йўл бўйлаб комиллик манзили сари бошлар эдилар.

Йиллар ўтаверар экан. Бугунги кунда от изини той босар деганларидек, хушкалом шоиримиз Анвар Исроиловнинг севимли ўғли — Нурмуҳаммад Исроилов ота изидан бориб ажойиб дилтортар шеърлар ёзмоқда. Жамоат ишларида бош-қош бўлиб падари бузрукворининг руҳини шод этмоқда.

Ҳа, Анвар Исроилов минглаб юракларни забт этган қалб соҳиби эди. У она-Ватан, бахт-шодлик, севги ва одамийлик куйчиси эди...

Юнус ЗИЁДОВ, фахрий журналист.

ФИКР

Бир марта ўқиса бўладиган асарни ўқимаса ҳам бўлаверади.

Тоҳир МАЛИК

Эъзоз

Ибрат

Ярим асрдан буён амалий кулолчилик санъатини ардоқлаб келаётган хоразмлик ҳунарманд уста Султон Отажоновнинг ўзига хос маҳорат мактаби бор. "Уста-шогирд" анъанасини яратиб, зангори кулолчилик сирларидан ёшларга сабоқ бериб келаётган отахонни нафақат Янгиариқ туманида, балки бутун Хоразмда ардоқлашади.

— Отам Отажон Матёқубов машҳур кулол эдилар, — дейди Султон ота. — Менга ўз касбининг сир-асрорларини эринмай бирма-бир ўргатардилар. Падаримнинг "Болам, ҳунарли кам бўлмайди. Ҳунар ҳамиша кишини юксакка кўтаради. Ҳунар ўрганишдан чарчама" деган сўзлари ҳамон қулоқларим остида жаранглайди. Гарчи бугун ўзим устоз бўлиб юзлаб ёшларга кулолчиликнинг мўъжизаларини ўргатаётган бўлсам-да, қарийб олтмиш йилдирки отамнинг ўгитлари ҳаётда ўз ифодасини намойиш этиб келяпти. Бугун ўзим ҳам шу сўзларни фарзандларимга бот-бот такрорлаб тураман...

Етмиш ёшнинг остонасидан хатлаган отахоннинг сўзлари пурмаъно. Кулолчиликнинг гўзал намуналарини ғоят бетакрор услубларда кашф этаётган устоз ўз навбатида шогирдларининг ҳам фикрларини инобатга олади.

— Қўли гул уста, уюшмамизнинг фаол аъзоси Султон Отажонов зангори кулолчиликда ишлатиладиган табиий бўёқларнинг йўқолиб бораётган турларини қайта ишлаш устида изланмоқда, – дейди "Ҳунарманд" уюшмаси Хоразм вилоят бўлими раиси Қобулбой Рўзибоев. — Элликдан зиёд турли буюмлар ясаб, бу борада улкан ютуқларга эришди. У яратган ўн хил турдан ортиқ зангори сопол буюмлар Япония, Туркия, Франция ҳамда Ҳиндистонда намойиш этилиб, кўргазма қатнашчиларининг ҳайратини оширди. Устанинг меҳнатлари бесамар кетмади. У ижод намуналарида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда ЮНЕСКО, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш дастури ҳунармандчилик, халқ амалий санъати анъаналарини давом эттираётганлигини инобатга олиниб, фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Айни кунда халқ устаси унвони соҳиби Султон Отажонов амалий санъат дурдоналарини авлодларга ўргатиш билан бир қаторда ижодий изланиб, кулолчиликнинг янги қирраларини кашф этиб бормоқда.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА

Рассом хандаси

Изоҳи ўзингиздан.

Учрашув

"Шундай деганмидим?.."

* * *

— Эртага келинг, деган эдингиз, келдим.

— Шундай деганмидим? Жуда соз, ундай бўлса эртага келинг-да!

* * *

Дам олиш куни каллаи сахарлаб эр овга жўнайди. Хотини шаштидан қайтармоқчи бўлади:

— Шундай изғирин совуқда қаёққа борасиз? Ҳали ташқари қоронғу бўлса!

Эр ўжарлик қилиб, барибир жўнайди. Ташқарида ярим соатча ўртоқларини кутиб туради, ахийри изғирин совуқ жонидан ўтгач, уйга қайтади ва дарров иссиқ ўринга киради:

— Вой-вой, намунча совуқ бўлмаса!

Хандалар

— Шуни айтгин-а, аҳмоқ эрим эса шундай ҳавода овга кетди.

* * *

— Ойи, нима учун келинлар доимо оқ либос киядилар?

— Чунки оқ ранг — шоду хуррамлик рамзи!

— Э-э, куёвлар нега қора кийишини энди тушундим.

Шодмон БЕК

Бир одам дўстидан сўради:

— Хотин зоти билан жонсиз радиоприёмник ўртасида қандай фарқ бор?

— Фарқи катта. Радионинг қулоғини бурасанг, овози ўчади, аёл кишида эса бунинг акси бўлади.

* * *

— Ойижон, нима учун ҳамма эртаклар «Бор эканда, йўқ экан...» деб бошланади?

— Йўқ, ўғлим, айрим эртаклар «Бугун ишхонада иш кўпайиб кетди» деб бошланиши ҳам мумкин.

HURRIYAT
Mustaqil gazeta
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.
Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Тел-факс: 133-36-02. Тел: 136-53-31, 136-53-38, 136-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: 136-56-38

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Бухоро — 8-365-715-30-57
Наманган — 8-369-412-31-54
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-367-374-81-53
Сурхондарё — 8-376-335-10-22
Тошкент — 8-370-762-16-86
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-20-80
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Қорақалпоғистон — 8-361-55-428-97

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.30
® — тижорат белгиси.
Буюртма — Г-55 Адади: 8356 1 2 3 4 5 7 8